БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 255 (1002)

28 ДЕКАБРЬ ШАНБА 1957 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Тожикистон ССР пахтакорлари пахта тайёрлаш планини бажардилар

Тожикистон ССР колхозчилари, МТС ва совхоз ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари КПСС XX съездининг қарорларини амалга ошира бориб, пахта етиштиришни янада кўпайтиришга эришдилар ва пахта тайёрлаш планининг муддатидан илгари бажарилишини таъминладилар. Шу йил 28 декабргача давлатга 433 минг тонна пахта топширилди, бу эса, ўтган йил тайёрланган пахтадан 18 минг тонна ортиқдир. Пахтанинг қарийб 40 проценти жуда қимматли ингичка толали сортлар билан топширилди. Пахта тайёрлаш давом этмоқда.

Республика галла, сут, жун, тухум, қоракўл тери, пилла, ҳўл ва қуруқ мева ҳамда узум тайёрлаш ва харид қилиш планларини ҳам муддатидан илгари бажарди.

Республика колхозлари ва совхозлари пахтанинг қолган қисмини тўла равишда териб олиш ҳамда келгуси йилда пахтадан мўл ҳосил олиш учун зарур бўлган барча қишлоқ хўжалик ишларини бажариш чораларини кўрмоқдалар.

Республика саноати йиллик планни 20 декабргача 100,8 процент бажарди ва йил охиригача пландан ташқари 180 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Республика активи йиғилишининг президиуми.

А. Палехов ва И. Душкин фотоси.

Ўзбекистон ССР партия ва совет ходимлари республика активи, саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги илғорларининг йиғилиши

27 декабрда Тошкентдаги Навоий номли Ўзбек давлат опера ва балет театри биносида Ўзбекистон партия ва совет ходимлари активи, саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги илғорларининг йиғилиши бўлди.

Президиумда КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. А. Муҳитдинов, М. А. Абдураззоков, А. П. Бизов, Г. А. Габриельянц, С. Б. Камолов, А. А. Лучинский, Р. Е. Мельников, М. З. Мирзаахмедов, З. Р. Раҳимбобоева, О. А. Алимов, М. В. Муҳаммаджонов, С. Н. Нуритдинов, А. Н. Рудин, республика Министрлар Совети раҳбарининг ўринбосарлари, республика министрлари, область партия комитетлари секретарлари ва область ижроия комитетларининг раислари, бирқанча шаҳар ва район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, Ўзбекистоннинг атоқли олимлари, ишлаб чиқариш новаторлари, илғор колхозларнинг раислари ўтирибдилар.

Йиғилишни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси **С. К. Камолов** очди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Президиуми гулдурос қарсаклар остида фахрий президиумга сайланди.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан самимий кутиб олинган КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Н. А. Муҳитдинов** 1957 хўжалик йилининг якунлари ва 1958 йил вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Ўртоқ Муҳитдинов доклади зўр эътибор билан тингланди, кўп марта қарсаклар билан бўлиниб турди.

Доклад юзасидан музокаралар бошланди. Музокараларда Андижон область ижроия комитети раиси **А. Ҳайдаров**, Сурхондарё область партия комитети секретари **А. Ҳ. Ҳакимов**, Тошкент шаҳар партия комитети секретари **Р. Ғ. Ғуломов**, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети раиси **Н. Жапақов**, Хоразм область партия комитети секретари **М. Раҳмонов**, Тошкент область Оржоникидзе район партия комитети секретари **К. Тошпўлатова**, Тошкент Халқ хўжалиги кенгашининг раиси **Э. Э. Згамбердиев**, Наманган область Тўрақўрғон район партия комитети секретари **И. Набиев**, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлар академияси президенти **Қ. З. Зокиров** сўзга чиқдилар.

Йиғилиш қатнашчилари ўз нутқларида 1957 хўжалик йилининг якунларини анализ қилдилар. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати республика олдига қўйган вазифаларни шараф билан бажаришга ва коммунистик жамият қуриш йўлидаги умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшишга қатъий қарор берган Ўзбекистон ишчилари, колхозчилари, зиёлиларининг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати ғоят ўсганлиги ҳақида гапирдилар.

Йиғилиш қатнашчилари колхозчилар, совхоз ва МТС ишчилари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари номидан пахтачиликни ва Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантириш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилдилар. (ЎзТАГ).

СССР Бадиий академияси президиумига

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети СССР Бадиий академияси ва унинг институтлари академикларини, корреспондент аъзоларини, илмий ходимлари ва бошқа ходимларини, совет тасвирий санъатининг ҳамма арбоблари СССР Бадиий академиясининг 200 йиллиги билан табриклайдилар.

Бадиий академия мамлакатимиз миллий маданиятини ривожлантиришда муҳим роль ўйнади. Улуғ рус рассомлари ва меъморлари Александр Иванов, Баженов, Брюллов, Захаров, Репин, Суриков, Васнецов ва бошқалар Бадиий академияда тарбияланиб, ўсдилар ва ўз фаолиятларини бошладилар. Улар халқимизнинг маънавий бойликлари хазинасига жуда катта ҳисса бўлиб қўшилган бадиий асарларни яратдилар. Бадиий академия ташкил этилганидан буён ўтган икки аср мобайнида талантли рассомлар ва педагогларнинг жуда кўп кадрларини тайёрлаб етиштирди.

Совет давлатининг қирқ йили мобайнида Бадиий академия институтларида ўз ижодий кучларини ва ўз қобилиятларини мамлакатимизда коммунизм қуришдан иборат улуғ ишга бағишлаган рассомларнинг янги авлоди ўсиб етишди.

Ҳозирги вақтда кўп миллатли совет санъатининг энг яхши усталарини ўз сафларида бирлаштирувчи СССР Бадиий академияси олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди.

Академия ўз коммунистик ғоявийлиги, ростгўйлиги, юксак бадиий маҳорати, халқ ҳаёти билан чамбарчас боғланганлиги билан кучли бўлган социалистик реализм санъати учун курашда жанговар илмий-назарий марказ бўлиши керак ва амалда шундай бўлиши лозим.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети СССР Бадиий академиясига совет санъатининг равнақи йўлидаги самарали фаолиятида янгидан-янги муваффақиятлар тилайдилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

СССР Бадиий академиясининг 200 йиллик юбилейи ва Москва шаҳрида Бутуниттифоқ бадиий виставкаси ўтказиш билан боғлиқ бўлган тадбирлар тўғрисида

СССР Министрлар Совети СССР Бадиий академиясининг 200 йиллиги ва Москва шаҳрида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ бадиий виставкаси ўтказилиши муносабати билан қуйидаги тадбирларни ўтказишга қарор қилди:

Иккита оltин ва бешта кумуш медаль таъсис этилсин ҳамда мамлакатдаги бадиий музейлар ва галереяларнинг фондини тўлдириш учун мазкур виставкадан асарлар сотиб олиш учун СССР Маданият министрлигига қўшимча маблағ ажратилсин;

Навбатдаги Бутуниттифоқ бадиий виставкаси 1960 йилда Москва шаҳрида ўтказилсин;

СССР Бадиий академияси составида нашриёт ташкил қилинсин, бу нашриёт совет тасвирий санъатини кенг пропаганда қилишга ҳамда СССР Бадиий академияси институтларининг илмий-назарий фаолиятини ривожлантиришга ёрдам бериши лозим. (ТАСС).

КОММУНИСТИК ПАРТИЯ РАҲБАРЛИГИДА СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИНИНГ ЯНАДА ГУЛЛАБ-ЯШНАШИ УЧУН

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. А. Муҳитдиновнинг 1957 йил 27 декабрда Ўзбекистон ССР партия ва совет ходимлари республика активи, саноат, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги илғорларининг йиғилишида қилган доклади

1. КПСС XX съезди қарорларини бажариш учун курашда

Азиз ўртоқлар!

Ҳаммангизга маълумки, ўзларининг ватанпарварлик бурчларига содиқ бўлган Ўзбекистон меҳнаткашлари Партия ва Ҳукуматнинг катта ёрдамига таяниб, пахта тайёрлаш давлат планини 23 декабрда муваффақият билан бажардилар. **(Қарсаклар).**

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан сизларни ва республиканинг ҳамма меҳнаткашларини ҳаётингиздаги шу қувончли воқеа билан, меҳнат соҳасидаги катта ғалаба билан чин кўнгилдан қизғин табриклашга ижозат берингиз. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Бу йилнинг қийин шароитларида пахта тайёрлаш планини бажариш аввало шу туфайли мумкин бўлдики, колхозчилар, МТС ва совхозларнинг ходимлари, шаҳар аҳолиси, олий ўқув юртлари ва техникумларнинг студентлари, мактабларнинг ўқувчилари фидокорона меҳнат қилдилар. Улар Совет Иттифоқи халққлари олдидаги ўз бурчларини сезиб, мамлакатни пахта билан таъминлаш учун ўз зиммаларидаги масъулиятни чуқур англаб меҳнат қилдилар.

Ғўза парваришини сентябрь ойида ҳам давом эттириш зарур бўлиб қолганлиги сабабли бу йил биз умумхалқ байрами бўлган Пахта байрамини август ойи охирида ўтказмадик.

Энди пахта тайёрлаш плани адо қилинганидан кейин, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида планлар тўла ва ошириб бажарилгандан кейин далаларнинг меҳнаткашлари, бизнинг ишчилар синфимиз, шонли зиёлиларимиз, Ўзбекистоннинг ҳамма меҳнаткашлари ўзларининг меҳнат соҳасидаги жуда катта ғалабаларини байрам қилиб нишонлаш ҳуқуқига сазовор бўлдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси ва республика Министрлар Совети умумхалқ байрами бўлган Пахта байрамини 30 ва 31 декабрда ўтказишга қарор қилдилар. **(Қарсаклар).**

Шу кунларда Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари учун оммавий сайиллар ўтказилади. Республиканинг барча тамошаҳоналари — кинолар, пойтахт театрлари ва маҳаллий театрлар, концерт бригадалари, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари —шуларнинг ҳаммаси меҳнаткашларнинг дам олишини ва шоли-хуррамлик қилишни таъминлаши лозим. Район ва область марказларида улоқлар, кураш ва бошқа оммавий миллий ўйинлар ташкил этилади.

Сизларни ва сизлар орқали Ўзбекистоннинг ҳамма меҳнаткашларини бўладиган тралиция Ўзбек миллий байрами—Пахта байрами билан чин кўнгилдан қутлашга ижозат берингиз. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Улуғ Октябрь социалистик революциясининг қирқинчи йили бўлган 1957 йил тугаб келмоқда. Бу йил мамлакатимизнинг ички ҳаётида ва халқаро миқёсда жуда катта воқеалар билан нишонланди.

Бутун прогрессив инсоният СССР Олий Совети Юбилей сессиясининг Улуғ Октябрь ўлмас идеяларининг тантанаси ёрқин ифодаланган тарихий ҳужжатларини ғоят қизиқиб ўрганмоқда ва қизғин маъқулламоқда ва янги даврнинг, капитализмнинг емирилиши ва социализмнинг қарор топиши даврининг эллигинчи йилига қадам қўйиб, ўзининг ёрқин истиқболига умид билан қарамоқда.

1957 йил мамлакатимиз учун экономика, халқнинг моддий фаровонлиги ва маданий савияси тағин ҳам катта куч билан юксалган йил бўлди. Совет кишилари КПСС XX съездининг тарихий қарорларини зўр ижодий ғайрат билан амалга ошириш учун курашиб, Ватанимизни социалистик Юртимизнинг шонли юбилейи шарафига меҳнат соҳасидаги янги муваффақиятлар билан хурсанд қилдилар.

Саноатнинг барқ уриб ўсганлиги ва қурилишнинг кенг авж олиб кетганлиги, қишлоқ хўжалигининг янада ривожланганлиги, гўшт, сут маҳсулотининг айниқса кескин кўпайтирилганлиги, техника соҳасида мисли кўрилмаган тараққиётга эришилганлиги, жаҳонда энг катта синхрофазотрон ишга туширилганлиги, жаҳонда биринчи бўлган «Ленин» атом музёрари қурилаётганлиги, қитъаларааро баллестик ракета барпо қилинганлиги, Ернинг иккита сунъий йўлдоши учирилганлиги ва бошқа кўп муваффақиятлар социалистик тузумнинг жуда зўр афзалликларини, Ватанимиз фани ва техникасининг мислсиз гуллаб-яшнаганлигини, ишлаб чиқарувчи кучларнинг социализм шароитида ниҳоят даражада ўсиб кетганлигини бутун дунё олдида янги куч билан намойиш қилиб кўрсатди.

Бутун совет халқининг қирқ йил мобайнида зўр ғайрат билан қилган қаҳрамонона меҳнатининг асосий якуни шу бўлдики, мамлакатимизда социализм қурилди ва коммунистик қурилиш программаси муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг қатъий ва изчил ташқи сиёсати бутун дунёда тинчликни янада мустаҳкамлашга ёрдам берди, совет давлатининг халқаро обрўйини яна ҳам оширди. Совет Иттифоқи бу йил қатъий чораларни ўз вақтида кўрганлиги туфайли империалистларнинг Сурияда қилмоқчи бўлган агрессиясининг ҳамда бутун Ўрта ва Яқин Шарқда вужудга келган уруш хавфининг пайи қирқилди. Мамлакатимизнинг Осиё ва Африкада империалистик асоратдан қутилган мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий алоқалари тобора кенгаймоқда ва мустаҳкамланмоқда.

Социалистик мамлакатларнинг ва бутун жаҳон коммунистик ҳаракатининг марксизм-ленинизм ғоявий асосига, пролетар интернационализми принципларига содиқлик асосига қурилган бирлиги ва жипслиги яна ҳам мустаҳкам бўлиб қолди. Буни коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг ноябрь ойида Москвада бўлиб ўтган кенгашларида қабул қилинган, мамлакатимизда, халқ демократияси мамлакатларида умумхалқ томонидан маъқулланган ҳамда жаҳондаги барча коммунистик ва ишчи партиялари, ер юзидаги эрксевар барча оддий кишилар томонидан маъқулланган Декларация ва Тинчлик манифести яққол кўрсатиб турибди.

Декларацияда бутун халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг урушдан кейинги бутун даврдаги тажрибалари чуқур таҳлил қилинди ва умумлаштирилди, барча коммунистик ва ишчи партияларининг тинчлик, демократия ва социализм учун курашдаги бундан буён бажаришлари лозим бўлган вазифалар белгилаб берилди.

Ўзбекистоннинг партия ташкилотлари ва ҳамма меҳнаткашлари бу тарихий ҳужжатларни зўр мамнуният ва хурсандчилик билан кутиб олдилар, Декларация ва Тинчлик манифести митингларда, партия активларининг республика, область, шаҳар ва район йиғилишларида, корхоналар, қурилишлар, колхозлар, совхозлар ва МТСлар, муассасалар коллективларининг йиғилишларида якдиллик билан тўла маъқулланди.

КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган декабрь Пленуми ва СССР Олий Советининг IX сессияси жуда катта сиёсий ва халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган муҳим масалаларни кўриб чиқди.

Сизларга маълумки, КПСС Марказий Комитети Пленумида коммунистик ва ишчи партиялари вакиллари кенгашларининг якунлари масаласи ҳамда СССР касаба союзларининг иши ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

ССР Иттифоқи Олий Совети IX сессияси 1958 йил учун халқ хўжалигини ривожлантириш давлат планини ва СССР Давлат бюджетини муҳокама қилди ва тасдиқлади.

Партия ва бутун совет халқининг коммунизм қуриш соҳасида қилган жуда катта ишлари КПСС Марказий Комитети Пленумида ва ССР Иттифоқи Олий Совети сессиясида якунланди. Мамлакатимиз эришган муваффақиятларни қуйидаги маълумотлар ғоят яққол кўрсатиб турибди.

Саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми мамлакат бўйича 1957 йилда планда мўлжалланган 7,1 процент ўрнига 10 процент кўпайди. Ишлаб чиқариш планларини бажаролмаган корхоналар сони анча камайди. Меҳнат унумдорлигини ошириш тонширириқлари муваффақиятли бажарилмоқда. Капитал қурилиш ишлари сезиларлик даражада яхшиланди.

Мамлакатимизнинг қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ҳам катта муваффақиятларга эришдилар. Бу йил галлакор районларнинг бир қанчасида об-ҳаво шароитлари ғоят ноқулай келганлигига қарамай, Совет Иттифоқи кўриқ ерлар ўзлаштирилганлиги туфайли 1955 йилда тайёрланган галлага баравар келадиган миқдорда галла тайёрлади.

Украина, Қирғизистон ва бошқа лавлагикор районларнинг лавлагикорлари катта ютуқларга эришдилар. Қанд лавлаги ўтган йилдагига қараганда қарийб 70 миллион центнер кўп тайёрланди.

Партиянинг аҳоли жон бошига гўшт, сут ва ёғ етиштириш жиҳатидан якин йиллар ичида Америка Қўшма Штатларига етиб олиш ҳақидаги чақириғини муваффақиятли равишда амалга ошириш учун бутун мамлакатда умумхалқ мусобақаси авж олиб кетди.

Маккажўхори экиш кенгайтирилганлиги ҳамда ширали ва концентрат озуқалар етиштириш кўпайтирилганлиги колхозлар ва совхозларга жамоат чорва моллари сонини анча кўпайтириш ва чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш имкониятини берди.

Чунончи, ҳар бир соғин сигирдан соғиб олинадиган сутнинг миқдорини кўпайтириш тўғрисида берилган топшириқ олти йил ўрнига уч йилда бажарилди. Сут тайёрлаш ва харид қилишни кўпайтириш тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг 1955 йилда бўлиб ўтган январь Пленуми белгилаб берган топшириқ ҳам олти йил ўрнига уч йилда бажарилди. Бутун мамлакатда 1954 йилда 11,3 миллион тонна сут тайёрланган ва харид қилинган бўлса, 1957 йилда 20,5 миллион тонна сут тайёрланди ва харид қилинди.

Биз шу нарсани хурсандчилик билан қайд қилишимиз мумкинки, Туркманистон ва Тожикистоннинг шонли пахтакорлари пахта тайёрлаш давлат планларини муваффақиятли равишда бажардилар, Андижон, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм областлари, Қорақалпоғистон АССР ва Ўзбекистоннинг кўпгина районлари планларни анча ошириб бажардилар ва республика қишлоқ хўжалик илғорларининг XIII қурултойида олган мажбуриятларини шараф билан бажардилар. **(Қарсаклар).**

Биз Ўзбекистон пахтакорлари Тожикистон ва Туркманистон меҳнаткашларини пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажарганликлари билан чин кўнгилдан табриклаймиз. **(Қарсаклар).**

Ўтган йил давомида партиямиз Марказий Комитети ва Совет Иттифоқи ҳукумати меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини янада яхшилашга ва турмуш даражасини янада оширишга қаратилган бир қанча янги тадбирларни амалга оширдилар.

Пенсия таъминотини ошириш, кам маош оладиган ишчи ва хизматчилар иш ҳақини ошириш ҳамда заёмга ёзилишни камайтириш соҳасидаги тадбирлар амалга оширилганлигининг ўзи натижасидагина 1957 йилда аҳоли 1956 йилдагига нисбатан қўшимча равишда қарийб 41 миллиард сўм даромад олди, 1958 йилда эса 60 миллиард сўм даромад олади.

СССР Олий Советининг декабрь сессияси болалари бўлган ишчи, хизматчи ва бошқа гражданлардан, шунингдек боласи бўлмаган ёлғиз хотинлардан, СССР нинг бўйдоқ, ёлғиз ва кам болали гражданлари учун белгиланган солиқни олишни бекор қилиш тўғрисидаги Фармонни тасдиқлади. Бу қонуннинг аҳамиятини шундан билиш мумкинки, энгилликда 27 миллионга яқин киши мана шу солиқдан озод қилинади.

Олтинчи беш йиллик давомида ҳамма ишчилар ва хизматчилар етти соатлик иш кунига, бир қанча касблардаги ишчилар эса олти соатлик иш кунига кўчирилади.

Колхозчи деҳқонларнинг моддий фаровонлигини яхшилаш соҳасида ҳам кейинги йилларда катта тадбирлар амалга оширилди. Бу тадбирларнинг энг муҳимлари шуки, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш нархлари оширилди ва шу мақсадлар учун оширилган харид нархлари жорий қилинди, колхозчилар, ишчилар ва хизматчиларнинг хўжаликлари барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлатга етказиб бериш мажбуриятларидан 1958 йилдан бошлаб озод қилиндилар ва ҳоказо.

Партия ва Ҳукумат меҳнаткашларнинг уй-жой шароитини яхшилаш масаласига нақадар катта аҳамият бераётганлиги ўзларингизга маълум.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети бу йил уй-жой қурилишини ривожлантириш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Бу қарор ҳозирги вақтда муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда. Шаҳарларда, ишчи посёлкаларида, МТСларда, совхозларда ва мамлакатнинг ўрмончилик хўжаликларида бу йил ҳаммаси бўлиб, 48 миллион квадрат метр саҳна эга бўлган уй-жой бинолари қурилади, 1958 йилда эса 61 миллион квадрат метр уй-жой майдони қуриб фойдаланиш учун топшириш мўлжалланди.

Мана шунинг ўзи партиянинг яқин 10-12 йил ичида уй-жой танқислигини тугатиш тўғрисида қўйган вазифаси муваффақиятли бажарилишидан далолат беради.

Ўртоқлар! Ўтган куни украин халқи Украинада Совет ҳокимияти ўрнатилганлигининг қирқ йиллигини байрам қилди.

Бу тарихий кунни украин халқи билан бирликда Совет Иттифоқининг ҳамма халқлари ҳам тантанали равишда нишонладилар. Украинанинг байрами умумхалқ байрамига айланди. Украин халқи улуғ рус халқидан кейин энг йирик, атоқли социалистик миллатдир. Оғир индустрияни ривожлантиришда, галла, чорвачилик маҳсулотлари, лавлаги етиштиришда ва мамлакат халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида Украина муҳим ўринни эгаллаб турибди. Украин халқининг тараққий қилган кўп асрлик маданияти, илғор фани бор.

Биз ўзбеклар ўз қардошларимиз бўлган украинларнинг тантанасига шунинг учун ҳам қувонмоқдамизки, украин халқи рус халқи билан бир қаторда ўз қардоши бўлган ўзбекларга саноатни барпо қилишда, айниқса металлургия ва машинасозлик корхоналарини ривожлантиришда ҳамда қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришда жуда катта ёрдам берди. Иваново ва Москва областлари сингари Украина ҳам Ўзбекистонга йигирмабешмингчилардан ажойиб большевикларни юборди.

Уруш даврида Украинанинг бизнинг республикамизга вақтинча келиб турган театр ва илмий муассасалари ўзбек совет санъатини ва азабиётини ривожлантиришда катта роль ўйнади.

Ўзбек халқининг фарзандлари ҳам Улуғ Ватан уруши вақтида Украинани озод қилиш учун жанг қилдилар ва ўз жонларини фидо қилдилар. Ўзбеклар минглаб украинларни ўзларининг энг якин, қон-қардош биродарлари билиб ўз оилаларига қабул қилдилар.

Кўп асрлардан бери ўзбек халқи билан украин халқи ўртасида иқтисодий, савдо ва маданий алоқалар бўлиб келмоқда. Совет ҳокимияти даврида уларнинг социалистик дўстлиги, қардошлиги ва ўзаро ёрдами тағин ҳам мустаҳкамланди.

Сизларнинг номингиздан ва бутун ўзбек халқи номидан Украинанинг ҳамма меҳнаткашларини Украинада Совет ҳокимияти ўрнатилганлигининг 40 йиллик шонли байрами билан қизғин табриклашга ва қардошимиз улуғ украин халқига коммунистик қурилишда тағин ҳам катта муваффақиятлар тилашга ижозат берингиз. **(Қарсаклар).**

* * *

Ўртоқлар! Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам мамлакат экономикасини ва маданиятини янада юксалтириш, Совет давлатининг кучини ва қудратини мустаҳкамлаш учун курашдан иборат бўлган умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

1957 йилда қилинган ишларимизнинг баъзи бир дастлабки якунларига ҳамда республикани яқин келгусидаги ривожланиш истиқболларига қисқача тўхталиб ўтишга ижозат берингиз.

Ўзбекистон меҳнаткашлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, бу йил ҳам 1956 йилда бўлгани сингари хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма тармоқларида катта муваффақиятларга эришдилар. Республика экономикасини янада юксалтириш йўлида олга томон катта қадам қўйилди.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА).

Ўрток Н. А. МУҲИТДИНОВ докладининг давоми

2. Ўзбекистон индустриал қудратининг ўсиши

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Республика халқ хўжалигида саноат етакчи ўринни олиб турибди.

Партиямизнинг оғир индустрияни устун даражада ривожлантиришга қаратилган бош йўли оғишмай амалга оширилаётганлиги натижасида Ўзбекистон саноати 1957 йилда ўзининг ишлаб чиқариш қувватларини анча оширишга ҳамда саноат ишлаб чиқаришини кўпайтиришга эришди.

Республика саноат корхоналарининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари бу йил пландан ташқари бир миллиард сўмлик маҳсулот бериш мажбуриятини олдилар.

Шу нарсани сизга хурсандлик билан маълум қилиш мумкинки, Ўрток-лар, Совет Ўзбекистонининг ўз бурчини бажаришда ҳамиша ўрнак кўрсатиб келаётган шонли ишчилар синфи бу йил ҳам шарафли ишлар қилиб, ўз сўзининг устидан чиқди. Республика саноати давлат планини 19 декабрда муддатидан олдин бажарди. Йил охиригача пландан ташқари яна бир миллиард сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқарилади. **(Қарсаклар).**

Тошкент халқ хўжалиги кенгашининг, шу жумладан Тошкент шаҳрининг ҳам саноат корхоналари анча муваффақиятларга эришдилар. Шу корхоналар йил охиригача пландан ташқари яна 300 миллион сўмлик маҳсулот берадилар.

Бу йил кўмир, металлургия, химия, машинасозлик, пахта тозалаш, озиқ-овқат саноатлари ва енгил саноат корхоналаридаги коллективлар айниқса яхши ишладилар.

Тошкент тўқимачилик комбинати, Олтин топган кўрғошин-руҳ комбинати, Ўзбекистон металлургия заводи, «Чирчиқсельмаш» заводи, Тошкент пойафзал фабрикаси, Фарғона тўқимачилик комбинати, Маргилон ипак комбинати, Каттақўрғон ёғ-экстракт заводи ва бошқа кўп корхоналарнинг коллективлари энг яхши кўрсаткичларга эришдилар.

11 ой мобайнида пландан ташқари 34 минг тонна кўмир, 17 минг тонна нефть қазиб олинди, қарийб 5 минг тонна пўлат ва прокат, 4 миллион метрдан кўпроқ ипгазлама ва шойи, 310 минг жуфт чарм-пойафзал, 6500 тонна ўсимлик ва мол ёғи, 3 минг тоннага яқин ғўлт ва бошқа кўпгина маҳсулот чиқарилди.

Бу йил саноат корхоналарининг ишларидаги техника-иқтисодий кўрсаткичлар анча яхшиланди.

Меҳнат унумдорлиги ўтган йилдагига нисбатан 7 процент ошди.

Пландан ташқари ҳаммаси бўлиб 1 миллиард сўмлик маҳсулот чиқариладиган бўлса, шу маҳсулотнинг 760 миллион сўмлиги меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билангина ҳосил қилинади.

Маҳсулотнинг таннархини пландан ташқари камайтириш натижасида 100 миллион сўмликдан кўпроқ жамғарма ҳосил қилинди. Ўзбекистон саноати давлат бюджетига ўз жамғаларидан 800 миллион сўмга яқин ажратма беради.

Ўзбекистон саноати учун 1957 йил шу жиҳатдан характерли бўлдики, янги техникани ва илғор технологияни жорий қилиш асосида саноат маҳсулотларининг кўпгина янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу йил пахтачиликка мосланган ва телескопик орка кўприги бўлган ДТ-24-3 маркали тракторлар, турли схемаларга мўлжалланган ва квадрат-уялаб чигит экиб берадиган сеялкалар, ер текислайдиган машиналар, ғўза қатор ораларини узунасига ва кўндалангига культивация қиладиган культиваторлар, ғўзапоя юлиб берадиган машиналар, чанглагич-пуркагичлар, дон саралаб берадиган машиналар, автомобиль ва трактор прицеплари, грунтаблоклар ишлаб чиқарадиган станоклар, азотли суюқ ўғитлар соладиган машиналар ва бошқа шу каби машиналар ишлаб чиқарила бошланди.

Енгил саноат ва озиқ-овқат саноати халқ истеъмол қиладиган хилма-хил молларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Республика саноатининг давлат планларини муваффақиятли бажаришига аввало шу нарса ёрдам бердики, бу йил Партия ва Ҳукумат саноат ва қурилишни бошқаришни қайта ташкил қилиш тадбирларини амалга оширдилар.

СССР Олий Советининг VII сессиясида қабул қилинган Қонунга мувофиқ Ўзбекистонда тўртта иқтисодий маъмурий район тузилди ва уларда Халқ хўжалиги кенгашлари ташкил этилди. Эндиликда Ўзбекистон территориясидаги саноат корхоналарининг хаммаси Халқ хўжалиги кенгашларига ва маҳаллий совет органларига топширилди.

Саноатни бошқариш қайта қурилганлиги натижасида республиканинг тугатилган министрликлари ва идораларидан йиллик иш ҳақи фонди 7 миллион сўмдан иборат бўлган 2500 маъмурий бошқарма ходимлари бўшади. Бошқарма аппаратидаги юқори малакали мутахассислардан бир неча юз киши бевосита корхоналарда ишлаш учун юборилди.

Иқтисодий-маъмурий районларда Халқ хўжалиги кенгашлари ташкил этилганлиги раҳбарликни корхоналарга яқинлаштиришга, идоравий тўсиқларни тугатишга имкон берди ва туғиладиган масалаларни оператив равишда ҳал қилиш, корхоналарнинг ишларидаги камчиликларни ўз вақтида тугатиш, маҳаллий ресурслар ва имкониятлардан тағин ҳам тўлиқ фойдаланиш учун кенг имконият вужудга келтирди.

Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгашларининг иш якунлари саноатни бошқаришнинг янги формаси ҳеч шубҳасиз афзал эканлигини жуда яққол кўрсатди.

Қатъий ишонч билдириб шуни айтиш мумкинки, корхоналар, қурилишлар ва транспорт коллективлари саноатга раҳбарлик қилишнинг янги методлари туфайли вужудга келган жуда катта афзалликлардан фойдаланиб, келгуси йилда меҳнат соҳасида тағин ҳам катта галабаларга эришадилар.

Эришилган муваффақиятлар яна шунинг ҳам натижаси бўлдики, республиканинг партия ва совет органлари саноат ва қурилишни бошқариш қайта ташкил этилганидан кейин саноат корхоналарининг ишларини чуқурроқ ўрганадиган бўлиб қолдилар, уларга кўпроқ амалий ёрдам берадиган бўлиб қолдилар.

Ўзбекистон партия Марказий Комитети ва Республика ҳукумати Халқ хўжалиги кенгашлари учун кадрлар танлаб, шу кадрлар билан уларни таъминлаш, Халқ хўжалиги кенгашлари аппаратининг структурасини ихчамлаштириш ва такомиллаштириш, уларнинг иш услубини ва методларини яхшилаш соҳасида анча иш қилдилар.

Саноатга раҳбарлик қилиш ишларининг қайта ташкил этилганлиги Ўзбекистоннинг мамлакатнинг бошқа районлари билан иқтисодий алоқаларини анча яхшилаш ва кенгайтиришга имкон берди. Бу алоқалар бошқа иттифоқчи республикалардаги кўп корхоналарнинг фаолияти билан хилма-хил соҳаларда мустаҳкамланиб ва кенгайиб бормоқда.

Республикамиз саноати экспортга юбориладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йилдан-йилга кўпайтирмоқда.

Ўзбекистон ташқи савдода қатнашиб, ҳозирги вақтда ўз маҳсулотларини 41 мамлакатга, шу жумладан, Шарқдаги 13 мамлакатга етказиб бермоқда. Ўзбекистондан қишлоқ хўжалик машиналари, химия ускуналари, компрессор установкалар, тўқимачилик саноати ускуналари, кабельлар ва пахта толаси экспорт қилинмоқда.

Ўртоқлар!

Саноатимиз ишидаги мана шу ютуқларнинг ҳаммаси биринчи навбатда қаҳрамон ишчилар синфи шавкатли меҳнат қилаётганлигининг натижасидир.

Маълумки, Ўзбекистон жуда катта табиий бойликлари бўлишига қарамай, революцияга қадар саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми жуда паст эди, оғир саноат эса бутунлай йўқ эди.

Ҳозир Ўзбекистоннинг бақувват индустрияси бор, саноат ишлаб чиқаришининг структураси тубдан ўзгарди. Ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқаришнинг — «А» группасининг салмоғи анча ошди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 1320 та катта саноат корхонаси бор.

Республикада саноат ишлаб чиқаришининг қандай суръатлар билан ўсаётганлигини қуйидаги рақамлар яққол кўрсатади: ялпи маҳсулотнинг бир процент ўсиши 1928 йилда 4 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, 1957 йилда 231 миллион сўмни ташкил қилди, яъни 58 баравар кўпайди.

Ўзбекистон саноатида ишчилар синфининг сони 1914 йилда 17 минг киши бўлган бўлса, 1940 йилда 100 минг кишига етди, ҳозирги вақтда эса Ўзбекистон саноатида 250 мингга яқин киши ишламоқда. Энг муҳими шуки, республикамизнинг ишчилар синфи сон жиҳатидангина ўсиб қолмади, шу билан бирга унинг сифат состави ҳам тўлиқ равишда ўзгарди. Ҳозирги вақтда бизнинг ишчиларимиз техника жиҳатидан саводли, юксак даражада онгли ва ўқимишли кишилардир.

Бизни айниқса хурсанд қилаётган нарса шуки, эндиликда ўзбек халқининг ўз техника интеллигенцияси бор. Олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассислар ҳозирги вақтда республикада 164 минг киши ҳисобланади. Шулардан 34 минги инженерлар ва техниклардир. Корхоналарга малакали раҳбарлик қилишни таъминлаётган ва Ўзбекистон саноатини ишчилар синфи билан бирликда олга силжитаётган кадрлар шулардир.

Республика ишчилар синфи орасида ажойиб новаторлар—ишлаб чиқариш илғорлари, ўз ишининг чинакам моҳир усталари ўсиб етишди. Ўзбекистон металлургия заводининг пўлат эритувчиси Жалилов, «Ўзбекуголь» комбинати 9-шахтасининг навалоотбойишчиги Ортиқбоев, Чирчиқ электрохимия комбинатининг аппаратчиси Холиқов, Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Пўлатова, Маргилон ипак комбинатининг циллакаши Жумабоева, Самарқанд пахта заводининг ишчиси Шинкаренко, Каттақўрғон ёғ заводининг бригадири Сергеева ва бошқа шулар каби жуда кўп ўртоқлар билан Ўзбекистоннинг ҳамма меҳнаткашлари ҳақли равишда фахрланадилар.

Шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон партия ташкилоти КПСС XX съездининг саноатни ривожлантириш соҳасидаги қарорларини оғишмай амалга ошира бориб, республика саноатининг ҳамма тармоқларини тўғри планли равишда пропорционал ривожлантиришни таъминлади ва бу соҳада янги муваффақиятларга эришмоқда.

Бизнинг ишчилар синфимизга, саноат корхоналаримизнинг барча инженер-техник ходимларига ва раҳбарларига совет халқининг бахт-саодати йўлида, севикли Ватанимизни янада яшнатиш йўлида қилаётган олижаноб ҳаракатларини ишларида янги муваффақиятлар тилашга ижозат берингиз. **(Қарсаклар).**

Енгил саноатнинг ва озиқ-овқат саноатининг бир қанча корхоналари ишга туширилади.

Бир қанча жуда катта янги корхоналар қуриш учун зарур тайёргарлик ишлари бажариб қўйилди ва яқин фурсатда бу корхоналар қурила бошлайди. Жумладан, Ўрта Осиёда энг катта Оҳангарон цемент заводи қурила бошлайди ва бу завод йилига 900 минг тонна цемент берадиган бўлади. Жарқоқ — Бухоро — Самарқанд — Тошкент газ қувури қурила бошлайди. Бухоро ва Фарғона азот-ўғит заводлари қуриш учун проектлаш-қидириш ишлари олиб борилмоқда.

Қидириш ва геология-текшириш ишларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади.

Ўзбекистонда текшириб аниқланган рангли ва нодир металларнинг запаслари мис, қўрғошин, рух, олтин, чала ўтказгичлар ҳамда бошқа рангли ва нодир металлар олишни ташкил этишга имкон беради. Ўзбекистоннинг рангли металлургияси яқин йиллар ичида Совет Иттифоқида олдинги ўринларнинг бирини олади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарори асосида уй-жой қурилишини ривожлантириш вазифаларини ўзининг кейинги пленумида махсус муҳокама қилди ва бу вазифаларни бажаришнинг амалий тадбирларини белгилади.

Бу йил республикада уй-жой қурилиши соҳасида катта натижалар кўлга киритилди. 11 ой мобайнида фақат давлат маблағлари ҳисобигагина ўтган йилдагига қараганда 122 минг квадрат метр кўп уй-жой майдони қурилиб фойдаланиш учун топширилди. Бу йил якка тартибда ва коллектив бўлиб уй-жой бинолари қуриш анча кўпайди.

Бу йил кўп корхоналар горькийликлардан ибрат олиб, уй-жой қурилишини кенг авж олдириб юбордилар. Чунончи, «Чирчиқсельмаш» заводи икки квартирали 30 та уй қуриб олди.

Биз корхона коллективларининг ташаббусини ҳамиша қўллаб-қувватлашимиз ва уларга уй-жой қуришга ҳар томонлама ёрдам бериб туришимиз зарур.

Колхозларда уй-жой бинолари қуриш кескин равишда кўпайди. Кейинги икки йил ичида колхозларда 40 мингдан кўпроқ уй қурилди.

Республикадаги уй-жой қурилишининг умумий ҳажми ҳамма секторлар бўйича 1955 йилда 1 миллион 800 минг квадрат метр бўлган бўлса, 1956 йилда 1 миллион 900 минг квадрат метрга етди. 1957 йилда эса 2 миллион 570 минг квадрат метр саҳнга эга бўлган, яъни давлат планида кўрсатилганига қараганда 750 минг квадрат метр кўп уй-жой майдони фойдаланиш учун топширилади.

Фақат Тошкент шаҳрининг ўзидагина бу йил 260 минг квадрат метр саҳнга эга бўлган уй-жой майдони қуриб битказилади, яъни ўтган йилдагига қараганда икки баравар кўп уй-жой биноси қурилади

Қуриб битказилаётган уй-жой майдонлари бу йил ўтган йилдагига қараганда Қорақалпоғистон АССР-да беш баравар, Фарғона областида 2,7 баравар, Хоразм областида 1,6 баравар, Наманган областида 1,8 баравар кўпайди.

Маданий-маиший қурилиш соҳасида ҳам маълум муваффақиятларга эришилди. Бу мақсадлар учун 1957 йилда 100 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди.

Бу йил 25 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 700 ўринли касалхоналар ва 4600 ўринли болалар муассасалари қурилди. Тошкентни ҳамда Фарғона водисидаги шаҳарларни газ билан таъминлаш ишлари мўлжаллаб қўйилди.

Тошкентда 276 номерлик катта меҳмонхона, Наманган, Андижон ва Маргилонда область театрларининг бинолари қурилиб битай деб қолди, шаҳарларда ва район марказларида юзга яқин кинотеатр ва бошқа маданий-оқартув муассасалари қурилиб ишга туширилди. Водопровод шоҳобчалари кейинги йилнинг ўзидагина 126 километр кўпайтирилди ва шу водопроводлар орқали берилаётган сув 11 миллион кубометр кўпайтирилди.

Шаҳарларни ва районларни электрлаштириш учун, шунингдек шаҳарларда ва район марказларида ободончилик ишларини ўтказиш учун сарфланган капитал маблағларнинг ҳажми 1955 йилдаги 41 миллион сўм ўрнига 1956 йилда 48 миллион сўм, 1957 йилда 78 миллион сўмга етди.

Кейинги уч йил ичида колхозларда 4.300 та типовой чорвачилик бинолари ва 5.500 та бошқа ишлаб чиқариш бинолари қурилди. 7 та колхозлараро электростанция қурилиб ишга туширилди.

1956-57 йилларда колхозларда 236 та ясли, 119 болалар боғчаси, 254 мактаб, 155 клуб, 105 ҳаммом, 140 фельдшерлик, акушерлик пунктлари қурилди, қишлоқларни электрлаштириш, радиолаштириш ва телефонлаштириш, шунингдек колхоз қишлоқларини ободонлаштириш соҳасида катта ишлар қилинди.

Илгари сув хўжалиги қурилиши бизда энг қолоқ соҳа ҳисобланарди. Эндиликда бу қолоқлик тугатилди. Сув хўжалиги объектларининг қурилиши асосан муваффақиятли олиб борилмоқда ва бу йил биринчи марта сув хўжалиги қурилиши йиллик плани муддатидан илгари бажарилди.

Капитал ва уй-жой қурилишидаги бу яхши натижалар аввало шунинг учун қўлга киритилдики, республика партия ва совет ташкилотлари қурилишга раҳбарликни яхшиладилар, қурилиш ташкилотларини тажрибали раҳбар ва инженер-техник кадрлар билан, малакали бинокор ва монтажчиларнинг доимий кадрлари билан мустаҳкамладилар.

Кўпгина бинокорларимизнинг яхши ишлаётганликларини қайд қилиб ўтиш керак. Бу йил 93-махсус трестнинг, «Узбексвинецшахтстрой» трестининг, 161-қурилиш трестининг бинокорлар коллективлари, «Олмалиқсвинецстрой» трести 3-қурилиш бошқармасининг, «Узбекшахтстрой» трести 2-қурилиш бошқармасининг коллективлари яхши ишладилар. Бу коллективлар 1957 йилнинг учинчи кварталида Бутуниттифоқ мусобақасида иккинчи ва учинчи мукофотларни олишга муваффақ бўлдилар.

Республикамизда нормани 1.5—2 баравар ва ундан ҳам ошириб бажараётган бинокор ва монтажчиларнинг ажойиб кадрлари ўсиб етишди.

Булар орасида Абдулла Муҳаммадиёров, Павел Карцев сингари монтажчилар, экскаваторчи Яков Инокин, сувоқчи Шокир Ҳожимуродов, наққош Сотиболди Мирхолдоров, темирчи Ваҳоб Орифжонов, гипт терувчи Салим Қосимов ва бошқа юзлаб илғор бинокорлар бор.

Биз бинокорларга ҳамиша эътибор бериб ғамхўрлик қилиб туришимиз, улар иморатларни кўп, яхши ва тез қуришлари учун ҳамма чораларни кўришимиз лозим. Ажойиб бинокорларимизга янги муваффақиятлар тилаймиз! **(Қарсаклар).**

1957 йилда ҳам транспорт ва алока корхоналари ёмон ишламадилар. Тошкент темир йўли бошқармаси юк ортиш планини 15 декабрда муддатидан олдин бажарди. Тошкент темир йўлида йил охиригача пландан ташқари яна бир миллион тоннага якин юк ортилади. Юк бўшатиш плани 103.8 процент бажарилди. Локомотивларнинг ўртача бир кунлик юриши шу йилнинг 11 ой мобайнида ўтган йилдагига нисбатан кунига 24 километр кўпайди ва оғир юк ортилган поездларда нормадан ташқари 23 миллион тонна юк ташиб берилди. Юнус Тўлаганов ва Александр Васильевич Кузовов ўртоқлар оғир юк ортилган поездларни юритувчи энг яхши машинистлардир.

Тиғизлаб юклаш методи кенг ёйилди. Бу эса бу йил 25 мингдан кўпроқ вагонни бошқа юклар ортиш учун ажратиб қўйиш ва халқ хўжалигига керакли юкларни пландан ташқари юклашни анча кўпайтириш имкониятини берди.

Кейинги йилларда Тошкент темир йўли янги техника билан таъминланди. Тошкентдан Урсатьевскгача иккинчи йўл қурилди ва ишга туширилди.

Ўзбекистон халқ хўжалигида автомобилларда юк ташиш салмоғи анча ошди. 1957 йилнинг 11 ойи мобайнида умумий фойдаланиш учун хизмат қилаётган автотранспортлар билан 32 миллион тонна яъни ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 17 процент кўп ҳар хил юк ташилди. Йўлларнинг аҳволи ҳам анча яхшиланди. Ҳозир Ўзбекистонда деярлик ҳамма районлар билан область марказлари ўртасида яхши автомобиль йўллари бор.

Республикадаги барча маъмурий районлар ўртасида автобуслар қатнаб турибди. Республикадаги автобус йўлларининг узунлиги ҳозирги вақтда 4.600 километрдан ошиб кетди. Бу йил Денов билан Тожикистон ССР чегараси ўртасида муҳим йўл магистраллари қурилди. Мирзачўлда ўзлаштирилаётган ерларда 57 километр йўл қурилди. Республика пойтахтини Фарғона водиси билан боғлайдиган ва давлат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган Тошкент — Кўқон йўли тез суръатлар билан қурилмоқда. Сирдарёда катта кўприк қурилди.

Қорақалпоғистон республикасида йўлсизлик муваффақиятли равишда тугатилмоқда. Бу республикада 109 километрлик Нукус — Чимбой—Қораўзак — Тахтақўпир йўли ва 54 километрлик Хўжайли — Шуманай йўли битай деб қолди.

Граждан ҳаво флоти Ўзбекистон территориал бошқармасининг коллективи ҳам маълум муваффақиятларга эришди. Транспорт авиацияси тонна-километр ҳисобида юк ташиш планини ошириб бажарди. Қишлоқ хўжалигида авиация ёрдами билан бажариладиган химиявий ишларнинг ҳажми анча кўпайди. Авиация йўлларининг умумий масофаси 1956—1957 йилларда 890 километр узайди. 1956 йилда Тошкентда «ТУ-104» оғир реактив самолётлари қўнадиган ва учадиган жой қурилди ва янги Тошкент аэровокзали фойдаланиш учун топширишга тайёрлаб қўйилди.

Алоқа воситаларини ривожлантириш соҳасида ҳам анча иш қилинди. 1956—1957 йилларда Тошкентда 6 минг номерлик автомат телефон станциялари қурилди. Янги катта шаҳарлараро телефон станцияси ишга туширилди.

Тошкент телевизион маркази биринчи даражали аппаратлар билан ускуналанди. Телевизион марказ эшиттиришларини Тошкентда, Тошкент областида, Фарғона, Ленинобод, Жанубий Қозоғистон областларида ва бошқа областларда тамошо қилмоқдалар. Бу йил Фарғонада, Самарқандда телевизион эшиттиришларни олиб кўрсатадиган ретрансилятор-лар қурилди ва муваффақиятли равишда ишлай бошлади. Янгиерда ва Наманганда ретрансилятор қуриш ишлари битай деб қолди. 1961 йилнинг охиригача Ўзбекистон республикасининг бутун территориясида телевизион эшиттиришларни бемалол кўрадиган қилиш чоралари кўрилмоқда.

Қишлоқ советларини, МТСларни телефонлаштириш ишлари тўла равишда тугалланди. колхозларнинг карийб 90 проценти телефонлаштирилди. Республикада 600 мингдан кўпроқ радиоточка ва 200 мингдан кўпроқ радиоприёмник ўрнатилди.

Совхозлар, колхозлар ва МТСларнинг ички телефон алоқалари билан таъминланиши жиҳатидан Ўзбекистон ССР иттифоқ республикалари орасида олдинги ўринлардан бирини олиб турибди.

Республика транспорти ва алока органлари олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Транспорт ва алоқа ходимларига ҳам янги йилда янги меҳнат муваффақиятлари тилайлик, Ўртоқлар!

3. Капитал қурилиш суръатини тезлатайлик

Ўртоқлар!

Маълумки, бу йил капитал қурилишга раҳбарлик қилиш системаси ҳам қайта қурилди.

Республикада амалга оширилаётган капитал қурилишнинг умумий ҳажмидан 8 процентга етар-етмас қисми илгари республика қурилиш ташкилотлари ҳиссасига тўғри келар эди. Эндиликда эса бу йил умумий ҳажми 3 миллиард 700 миллион сўмни ташкил қилган капитал қурилишнинг ҳаммасига раҳбарликни республиканинг ўзи амалга оширмоқда.

Иккита иттифоқ — республика министрлиги, шунингдек иттифоқ қарамоғидаги қурилиш трестлари ва кўпгина монтаж ташкилотлари негизида ягона республика министрлиги — қурилиш министрлиги ташкил этилди. Қурилиш ташкилотлари бирлаштирилиб ва йириклаштирилиб, саноат, граждан қурилишлари ва қишлоқдаги қурилишлар билан шуғулланадиган область умум қурилиш трестлари ташкил этилди.

Мана шуларнинг ҳаммаси қурилиш ишларининг суръатини оширишга ва сифатини яхшилашга ёрдам берди.

Ҳозирги вақтда фақат Қурилиш министрлиги томонидан республикада бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми 1956 йилдагига қараганда уч баравар кўпайди. Капитал қурилишга берилаётган маблағлар йилдан-йилга кўпайтирилмоқда.

Ўзбекистонда давлат томонидан ҳар йили ўрта ҳисоб билан капитал қурилишга сарфланаётган маблағлар қуйидагича бўлди: биринчи беш йилликда 267 миллион сўм, иккинчи беш йилликда 614 миллион сўм, урушдан олдинги учинчи беш йиллик йилларида 853 миллион сўм, тўртинчи беш йилликда 1 миллиард 277 миллион сўм, бешинчи беш йилликда 2 миллиард 356 миллион сўм. 1956 йилда 3 миллиард 477 миллион сўм, 1957 йилда эса 3 миллиард 660 миллион сўм.

Демак, 1957 йилда республикалаги капитал қурилишларга сарфланадиган маблағнинг умумий ҳажми биринчи беш йиллик йилларидагига қараганда қарийб 14 баравар ошиб кетди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Республика ҳукумати саноатга сарфланаётган капитал маблағларни кўпайтиришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу соҳада маълум муваффақиятларга эришилди. Республика саноатига беш йил ичида, яъни 1946 йилдан 1950 йилга қадар 4 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланган бўлса, 1957 йилнинг ўзидагина 1,5 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Электростанциялар қуриш кенг миқёсда олиб борилди. Фақат 1956-57 йилларнинг ўзидагина энергетика қувватлари 210 минг киловатт миқдорида ўсди. 600 минг киловатт қувватга эга бўлган Оҳангарон давлат район электростанциясининг ўзини кўрсатиб ўтиш кифоя қилади. Бу станциянинг биринчи агрегати бу йил саноат учун ток берди.

Тожиклар билан ўзбеклар бир бўлиб Ленинобод области территориясида 126 минг киловатт қувватга эга бўлган Қайроққум гидроэлектростанциясини қурдилар. Қирғизлар ўз қардошлари ўзбеклар билан биргаликда Норин дарёсида 150 минг киловатт қувватга эга бўлган Учқўрғон гидроэлектростанциясини қурмоқдалар. Бу гидроэлектростанция Фарғона водисининг туташ энергетика системасига уланади.

Яқин фурсатларда Ўрта Осиёда энг катта Чорвоқ гидроэлектростанцияси қурила бошлайди. Бу гидроэлектростанция олдида 1,5 миллиард кубометр сув сиғадиган катта сув омбори қурилади.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда бир қанча катта саноат объектлари қурилдики, бу саноат корхоналарининг фақат республика учунгина эмас, шу билан бирга умумиттифоқ аҳамияти бор. Самарқанд ва Қўқон суперфосфат заводлари, реконструкция қилинган Кувасой ва Хильково цемент заводлари шулар жумласидандир.

Рангли металлургияни, кўмир ва нефть саноатини ривожлантириш соҳасида катта тадбирлар амалга оширилди.

1958 йилда рангли металлургиянинг янги корхоналари, биринчи навбатда нефть махсулотларини қайта ишлайдиган Фарғона заводи ишга туширилади. Оҳангарон давлат район электростанциясининг ўзини кўрсатиб ўтиш кифоя қилади. Бу станциянинг биринчи агрегати бу йил саноат учун ток берди.

4. Пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда янги босқич

Ўртоқлар!

Кейинги йилларда КПСС Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукумати пахтачиликни ва пахтачилик билан боғланган қишлоқ хўжалик тармоқларини янада ривожлантиришга ҳамда колхозчилар, совхоз, МТС ишчиларининг фаровонлигини оширишга қаратилган бир қанча катта тадбирларни амалга оширдилар.

Кейинги икки-уч йил ичида Ўрток Н. С. Хрушчев иштирокида 1954 йил ноябрь ойида ўтказилган кенгашдан сўнг пахтачилик ўз тараққиётининг янги босқичига кирди.

Биринчидан. Маълумки, 1955 йилга қадар бутун пахта майдонида деярлик чигит қатор оралари 70 сантиметр қилиниб экилар эди. Чигитни квадрат-уялаб экиш ва қатор ораларини узунасига-кўндалангига ишлаш жорий қилинмаган эди.

Кейинги икки йил ичида Ўзбекистондаги пахта майдонларининг ҳаммасида чигит тор қаторлаб экиладиган бўлди. Пахта майдонларининг катта кисмида чигит квадрат-уялаб ва тўғри бурчак уялаб экиладиган бўлди ва ғўза қатор оралари узунасига-кўндалангига ишланмоқда.

Пахтачилик агротехникасидаги колоқлик ва консерватизмга батамом хотима берилди, бу соҳадаги янгиликларга ва илғор усулларнинг ҳаммасига кенг йўл очилди.

Пахтачиликда меҳнатни кўп талаб қиладиган ишларни машиналаштириш асосида фан муваффақиятлари ва илғорларнинг тажрибалари кенг жорий қилинганлиги ҳосилдорликни ошириш ва пахта етиштиришни кескин равишда кўпайтириш ишида асосий восита бўлди.

Иккинчидан. 1955 йилда қишлоқ хўжалигини планлаштиришнинг янги тартиби жорий қилинди. Бу эса қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга анча ёрдам берди.

Учинчидан. 1956 йилда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Пахта етиштириш ва тайёрлашни моддий рағбатлантиришни янада ошириш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилдилар. Бу қарор билан қуйидаги масалалар ҳал қилинди:

— топширилаётган пахтанинг нархи оширилди ва устама мукофотлар тўлаш тартиби ўзгартирилди;

— МТСлар бажарган ишлар учун тўланадиган натура ҳақи ставкалари 40 процент камайтирилди;

— сув учун пул тўлаш бекор қилинди.

— минерал ўғитларнинг нархи камайтирилди.

Мана шу тадбирлар амалга оширилганлиги натижасида 1956 йилнинг ўзидаёқ колхозларнинг пахтачиликдан олаётган пул даромадлари 2 миллиард 526 миллион сўм миқдорида ёки 44 процент кўпайди. Дастлабки маълумотларга қараганда колхозларнинг 1957 йилда ҳам оладиган даромадлари 1955 йилгига қараганда анча ортиқ бўлади.

Колхозчиларнинг меҳнат кунларига берилаётган аванс 1 миллиард 872 миллион сўм, яъни 79 процент кўпайди, шу билан бирга меҳнат кунининг қиймати 75 процент ошди, ёки 7 сўм 86 тийиндан 13 сўм 78 тийинга етди.

Тўртинчидан. 1955—1956 йилларда сабзавот, картошка, пилла, қоракўл, тамаки ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархлари оширилди.

Бешинчидан. Кейинги икки йил ичида республика қишлоқ хўжалигини энг янги техника билан кўпроқ таъминлашга алоҳида эътибор берилди. Кейинги вақтларда республика қишлоқ хўжалиги 2 мингдан кўпроқ ҳайдов трактори ва ўн мингга яқин чопиқ трактори, 15 минг трактор культиватори, 12 минг сеялка, 5.500 автомашина, 172 экскаватор, ер қазийдиган, ер текислайдиган ва бошқа шу хил юзлаб машиналар олди. Мана шуларнинг ҳаммаси Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг энергия қувватини ва техника базасини анча мустаҳкамлади.

Олтинчидан. Республикада тракторлар, автомашиналар ишлаб чиқаришни ташкил этиш масаласи ҳал қилинди ва ҳозирги вақтда тракторлар ва автомашиналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Еттинчидан. Пахта стандартлари қайтадан кўриб чиқилди, пахтани теришни ҳамда тайёрлашни ҳам ўтмишда мураккаблаштириб келган 6—7 сорт ўрнига энди 4 сорт белгиланди. Бу эса бутун пахта териш кампаниясини ўтказиш ишларини енгиллаштиради.

Саккизинчидан. Пахта тозалаш заводлари ва тайёрлаш пунктлари ҳузурида 137 та қуритиш-тозалаш цехлари қурилди, 1958 йилда эса яна 32 та шундай цехлар қурилади.

Бундан ташқари, колхозларда ва колхозлараро қуритиш-тозалаш цехлари қуриш мўлжалланмоқда. Бу тадбир даладан терилб олинган пахтани ҳар қандай об-ҳаво шароитида ва кечаю-кундуз узлуксиз қабул қилиб туришга имконият беради.

Тўқкизинчидан. Бу йилдан бошлаб республиканинг ҳамма МТСлари республика бюджетига ўтказилди. Бу эса қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш учун маҳаллий органларнинг ва МТС раҳбарларининг масъулиятини оширади.

Унинчидан. 1956 йилда Мирзачўл ерларини суғориш ва ўзлаштириш масаласи ҳал қилинди. Бу тадбир Ўзбекистон ССРда 200 минг гектар ва Қозоғистон ССРда юз минг гектар янги ерни суғоришни таъминлайди. Бунинг натижасида кейинроқ бориб, пахта етиштириш йилига 320-340 минг тонна кўпаяди.

Мирзачўлдаги ерларни ўзлаштириш ишларига Ўзбекистон ССРда 1955 йилда 12 миллион сўм, 1956 йилда 53 миллион сўм, 1957 йилда 240 миллион сўм капитал маблағ сарф қилинган бўлса, 1958 йилда 500 миллион сўмдан кўпроқ капитал маблағ сарфлаш мўлжалланмоқда.

Партия ва давлат республика колхозчилари, совхоз ва МТС ишчилари, барча меҳнаткашларнинг 1956 йилдаги фидокорона меҳнатига юксак баҳо бердилар. Ўзбекистон пахтачилкни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда эришган муваффақиятлари учун иккинчи марта Ленин ордени билан мукофотланди. Фақат 1956 йилнинг ўзидагина мўл ҳосил усталаридан 201 кишига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди, 15.730 киши Совет Иттифоқи орденлари ва медаллари билан мукофотланди. Ходимларнинг катта группаси Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг олтин ва кумуш медаллари билан мукофотланди. **(Қарсаклар).**

Ўтказилган тадбирлар колхозчилар, совхоз ва МТС ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг ишлаб чиқариш ғайратини янада ошириб юборди ва уларнинг меҳнатлаги активлигини кучайтирди, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кескин равишда кўпайтиришга имкон берди.

1956-1957 йилларда Ўзбекистонда етиштирилган пахта 650 минг тонна кўпайди.

Чорвачилик кейинги вақтларгача қишлоқ хўжалигининг энг қолоқ тармоғи бўлиб келган эди. Соғин сигирларнинг маҳсулдорлиги айниқса паст эди. Якиндагина, бизда 1953 йилда ўрта ҳисоб билан ҳар бир соғин сигирдан атиги 350 килограмм сут соғиб олинар эди.

Кейинги йилларда республика партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, колхозлар ва совхозлар ем-хашак базасини мустаҳкамлаш — маккажўхори ва оқжўхори экишни кенгайтириш, янги яйловларни суғориш ва ўзлаштириш, чорвачиликда меҳнатни кўп талаб қиладиган ишларни механизациялаш, чорва биноларидаги қуриш, фермаларни иш биларман кадрлар билан мустаҳкамлаш ҳамда чорвачилик ходимларининг моддий манфаатдорлигини ошириш соҳасида катта иш қилдилар. Шу тадбирларнинг ҳаммаси жамоат чорва молларининг сонини ўстириш ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш учун

Ўртоқ Н. А. МУҲИТДИНОВ докладининг давоми

(БОШИ ИККИНЧИ БЕТДА)

1957 йилда бизда 1953 йилдагига нисбатан яъни КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми бўлиб ўтган йилга нисбатан сут соғиб олиш 4 баравар кўпайди, ҳар бир сигирдан соғиб олинган сутнинг ўртача миқдори эса шу давр ичида 3,5 баравар кўпайди. Ҳар бир соғин сигирдан соғиб олинган сутнинг миқдори фақат 1957 йилнинг ўзидагина 250 килограмм кўпайиб, 1100 килограммдан ошиб кетди, соғиб олинган сутнинг ялпи миқдори 500 минг центнер кўпайди.

Яроқли ерларнинг ҳар 100 гектарига ҳисоблаганда бу йилнинг ўзидаёқ колхозлар ва совхозларнинг анчагина қисми сут ва гўштни АҚШдагига қараганда кўп етиштириб бердилар. Қорасув районида Ўртоқ Исмоилов раислик қилаётган ва Ўртоқ Отамуҳамедов партия ташкилотининг секретари бўлган Свердлов номли колхоз яроқли ерларнинг ҳар 100 гектарига ҳисоблаганда шу йилнинг 11 ойи мобайнида 85,2 центнердан гўшт ва 334 центнердан сут етиштириб берди. Бу колхоз экинзор ерларнинг ҳар 100 гектарига ҳисоблаганда 68,5 центнердан чўчқа гўшти етиштириб берди. Ҳар бир соғин сигирдан соғиб олинган сутнинг ўртача миқдори 1953 йилдаги 1022 килограмм ўрнига бу йил 3424 килограммга етди.

Оржоникидзе районидаги Ўртоқ Маннонов раислик қилаётган, Ўртоқ Ойтўраев партия ташкилотининг секретари бўлган Сталин номли колхозда яроқли ерларнинг ҳар 100 гектарига ҳисоблаганда 239 центнердан сут соғиб олинди.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг бу ва бошқа кўп колхозлари чорвачилик маҳсулотлари етиштириш соҳасида АҚШда эришилган даражадан ўзиб кетдилар. **(Қарсаклар).**

Чорва молларини урчитиш соҳасидаги кўрсаткичлар анча яхшиланди, гўшт, сут саноати корхоналарида чорва молларини боқиб семиртириш ишлари анча кенг миқёсда ўтказилмоқда. Гўшт учун боқилаётган чорва моллар, айниқса чўчқалар кўпайди, майин жунли қўйчиликни ривожлантириш, Наманган зотилан бўлган, жун ва тивит олиш учун боқиладиган ўзбек ачкиларини кўпайтириш учун негиз солинди.

Ўртоқлар! Колхозчилар, МТС ва совхозларнинг ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, партия ва совет ташкилотлари республиканинг асосий вазифаси бўлган пахта етиштиришни янада кўпайтириш вазифасини ҳал қилишда ажойиб муваффақиятларга эришдилар.

Бу муваффақиятларнинг катталиги шундаки, бу йил об-ҳаво шароитлари гоят ноқулай келганлиги ва бир қанча сойларда ва анҳорларда сув камайиб кетганлиги сабаби рўй берган мураккаб ва ниҳоятда қийин вазиятда шундай муваффақиятлар қўлга киритилди. **(Қарсаклар).**

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари, республиканинг ҳамма меҳнаткашлари фидокорлик кўрсатиб, 2 миллион 750 минг тонна, яъни 1955 йилдагига қараганда 270 минг тонна кўп пахта етиштириш, уни териб олиб давлатга топширишга муваффақ бўлдилар. Топширилган пахтанинг 80 процента биринчи сортларга қабул қилинди. Пахта тайёрлаш давом этмоқда. Далалардан яна камида 15-20 минг тонна пахта териб топшириш мумкин.

Шундай қилиб, 1957 йилда пахта етиштиришда юксак даражани қўлдан бермай, сақлаб қолганлигимизнинг боиси шуки, республика партия ташкилоти КПСС Марказий Комитети ва Иттифоқ ҳукуматининг жуда катта ёрдамига таяниб, колхозларда, МТСларда ва совхозларда, партия ва совет аппаратининг ҳамма бўғинларида интизом ва масъулиятни оширишга, ишда зўр ғайрат туғдиришга муваффақ бўлди, барча меҳнаткашларнинг активлигини оширишга, бутун куч ва воситаларни рўй берган қийинчиликларни енгиш учун сафарбар қилишга муваффақ бўлди. Ишимизнинг энг асосий якуни ана шундан иборат.

Шунчалик зўр ғайрат, партия ташкилотларининг сафларида шунчалик юксак интизом ва уюшқоқлик бўлмаганида эди, республиканинг ҳамма меҳнаткашлари шу қадар юксак даражада онглилик ва ватанпарварлик кўрсатмаганларида эди, биз қийинчиликларни енголмаган бўлур эдик ва давлат олдида, Совет Иттифоқи халқлари олдида катта қарздор бўлиб қолган бўлур эдик.

Оқибат натижада республикамизда 64 район, 27 совхоз ва 600 колхоз пахта тайёрлаш планини тўлдириб ва ошириб бажарди.

Андижон области қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари пахтачиликни ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришдилар. Область пахтакорлари 158 минг гектар ернинг ҳар гектаридан 28,5 центнердан ҳосил олиб, 450 минг тонна пахта етиштирдилар ва давлатга топширдилар. Андижон областида ҳар гектардан олинган пахта ҳосили ўрта ҳисоб билан 1956 йилдагига нисбатан икки центнердан зиёдроқ кўпайди, давлатга ўтган йиллагига қараганда 31 минг тонна кўп пахта топширилди.

Шундай қилиб, Андижоннинг ғояли пахтакорлари ҳақли равишда мўл ҳосил байроқдорлари бўлиб қолдилар. **(Қарсаклар).**

Сурхондарё области пахтакорлари давлатга 232 минг тонна, яъни ўтган йилдагига қараганда 31 минг тонна кўп пахта топшириб, анча муваффақиятга эришдилар. Улар область бўйича совет сортларидан бўлган пахтанинг ҳар бир гектаридан 32 центнердан ҳосил етиштирдилар, ҳар бир гектардан олинган пахта ҳосили ўрта ҳисоб билан 3 центнердан зиёдроқ кўпайди. **(Қарсаклар).**

Қашқадарё области пахтакорлари яхши меҳнат қилиб, пахта тайёрлаш планини республикада биринчи бўлиб бажардилар. **(Қарсаклар).**

Совет пахтачилигининг энг шимоли районларидаги пахтакорлар катта ютуқларни қўлга киритдилар. **(Қарсаклар).**

Хоразм область колхозлари ва совхозлари давлатга ўтган йилдагига нисбатан 27 минг тонна кўп пахта топширдилар ва ўз мажбуриятларини бажардилар. **(Қарсаклар).**

Пахта тайёрлаш планини муддатидан олдин бажарган ва давлатга ўтган йилдагидан 17 минг тонна кўп пахта топширган Қорақалпоғистон АССР пахтакорларининг муваффақиятлари ҳаммамизни қувонтиради. **(Қарсаклар).**

1957 йилда ўзларининг социалистик мажбуриятларини бажарган ва пахтадан мўл ҳосил олган қуйидаги районларнинг колхозчилари, МТС ва совхоз ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва барча меҳнаткашлари эришган катта муваффақиятларни зўр мамнуният билан қайд қилиб ўтиш керак.

Денов райони 17.300 гектар пахта майдонининг ҳар бир гектаридан 37,3 центнердан ҳосил олди (район партия комитетининг секретари Ўртоқ Ҳайдаров, район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ Азимов); **(Қарсаклар).**

Оржоникидзе райони ҳар бир гектар ердан 37,2 центнердан ҳосил топширди (район партия комитетининг секретари Ўртоқ Тошўлатова, район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ Афзалов); **(Қарсаклар).**

Андижон райони ҳар бир гектар ердан 36 центнердан пахта ҳосили олди (район партия комитетининг секретари Ўртоқ Усмонов, район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ Мамажонов); **(Қарсаклар).**

Узун райони пахта майдонининг ҳар бир гектаридан 35,5 центнердан ҳосил етиштирди (район партия комитетининг секретари Ўртоқ Диёров, район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ Файзуллаев);

Пахтаобод райони ҳар бир гектар ердан 35 центнердан пахта топширди (район партия комитетининг секретари Ўртоқ Неъматшоев, район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ Мамадалиев);

Наманган райони ҳар бир гектар ердан 33,2 центнердан пахта олди (район партия комитетининг секретари Ўртоқ Ҳолхонов, район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ Муҳиддинов);

Тўрақўрғон райони ҳар бир гектар ердан 32,3 центнердан пахта олди (район партия комитетининг секретари Ўртоқ Набиев, район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ Турдиев);

Ленин райони ҳар бир гектар ердан 32,2 центнердан пахта етиштирди (район партия комитетининг секретари Ўртоқ Комилов, район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ Мамажонов);

Чинобод райони ҳар бир гектар ердан 31,5 центнердан пахта олди (район партия комитетининг секретари Ўртоқ Маматов, район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ Собиров);

Москва райони ҳар бир гектар ердан 31 центнердан пахта етиштирди (район партия комитетининг секретари Ўртоқ Низомов, район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ Турдиев);

Олтинкўл райони ҳар бир гектар ердан 30,6 центнердан пахта олди (район партия комитетининг секретари Ўртоқ Раҳимов, район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ Эгамбердиев);

Сариосиё райони ҳар бир гектар ердан 30,5 центнердан пахта олди. (район партия комитетининг секретари Ўртоқ Отарбоев, район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ Ашурова).

Шўрчи райони ҳар бир гектар ердан 30,2 центнердан пахта етиштирди (район партия комитетининг секретари Ўртоқ Бойбўтаев, район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ Мавлонов).

Задарё, Булоқбоши, Жалақудуқ, Избоскан, Сталин, Китоб, Чироқчи, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Бўстонлик, Ангрен, Жарқўрғон, Термиз, Боғот, Қўшкўпир, Урганч, Хазорасп, Хонқа, Шовот, Янгиариқ, Қораўзак, Кипчоқ, Қўнғирот, Тахтакўпир, Тўрткўл, Шуманай районларининг колхозлари ва совхозлари ҳам ўз мажбуриятларини бажардилар.

Республикада 13 район ҳар бир гектар ердан 30-35 центнердан ва ундан ҳам ошириб пахта олди. 111 колхоз 30 центнердан 35 центнергача етказиб ҳосил олди, 53 колхоз 35 центнер ва ундан ҳам ошириб ҳосил олди, шулардан 13 колхоз 40 центнердан ошириб ҳосил олди. Мингларча бригада ва звеналар ҳар гектар ердан 35-40-50 центнердан ва ундан ҳам ошириб ҳосил олдилар.

Қуйидаги колхозлар республикада энг юқори ҳосил олдилар.

Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли колхоз (раиси Ўртоқ Мухсимов);

«Қизил Ўзбекистон» колхози (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Матқобулов, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Элбўсинов);

Сталин номли колхоз (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Маннонов, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Ойтўраев);

Ўртасарой районидаги «Полярная Звезда» колхози (раиси икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Ким Пен Хва, партия ташкилоти секретари Ўртоқ Сон);

Октябрь районидаги «Шарқ юлдузи» колхози (раиси уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Турсунқулов, партия ташкилоти секретари Ўртоқ Султонов);

Андижон районидаги «Юқори ҳосил» колхози (раиси Ўртоқ Каримов, партия ташкилоти секретари Ўртоқ Мирзаев);

Шу райондаги Сталин номли колхоз (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Бакиров, партия ташкилоти секретари Ўртоқ Назаров);

Пахтаобод районидаги Сталин номли колхоз (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Курбонов, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Ҳайитов);

Олтинкўл районидаги Калинин номли колхоз (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Ашуров, партия ташкилоти секретари Ўртоқ Хошимов).

Избоскан районидаги Сталин номли колхоз (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Юсупов, партия ташкилоти секретари Ўртоқ Суяров);

Наманган районидаги Сталин номли колхоз (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Сойбоев, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Ёқубов);

Шу райондаги «Ленинград» колхози (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Икромов, партия ташкилоти секретари Ўртоқ Аҳмедова);

Тўрақўрғон районидаги Киров номли колхоз (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Ботиров, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Қаюмов);

Шу райондаги «Ўзбекистон» колхози (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Мирзаахмедов, партия ташкилоти секретари Ўртоқ Юсупов);

Қоракўл районидаги «Октябрь» колхози (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Курбонов, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Эгамбердиев);

Китоб районидаги Хрушчев номли колхоз (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Маҳмудов, партия ташкилоти секретари Ўртоқ Эргашев);

Денов районидаги «8-март» номли колхоз (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Қобилов, партия ташкилоти секретари Ўртоқ Жумаев).

Жарқўрғон районидаги «Меҳнат роҳат» колхози (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Бойжуров, партия ташкилоти секретари Ўртоқ Мамажонов);

Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхоз (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Убайдуллаҳўжаев, партия ташкилоти секретари Ўртоқ Маҳкамов).

Оржоникидзе районидаги Киров номли колхоз (раиси Ўртоқ Ғиёсов, партия ташкилоти секретари Ўртоқ Исломов);

Олтинкўл районидаги «Коминтерн» колхози (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Исабоев, партия ташкилоти секретари Ўртоқ Қодиров);

Пахтаобод районидаги Охунбобоев номли колхоз (раиси Ўртоқ Қосимов, партия ташкилоти секретари Ўртоқ Қосимов);

Китоб районидаги Калинин номли колхоз (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Хушвақтов, партия ташкилоти секретари Ўртоқ Қудратов);

Оқдарё районидаги Карл Маркс номли колхоз (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Саидова, партия ташкилоти секретари Ўртоқ Саъдуллаев);

Наманган районидаги «Сталинград» колхози (раиси Ўртоқ Каримова, партия ташкилоти секретари Ўртоқ Нуритдинов);

Чортоқ районидаги «Москва» колхози (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Ортиқов, партия ташкилоти секретари Ўртоқ Исомов);

Избоскан районидаги «XX партсъезд» колхози (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Тиллабоев, партия ташкилоти секретари Ўртоқ Жабборов);

Олтиариқ районидаги «Ленинград» колхози (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Отақулов, партия ташкилоти секретари Ўртоқ Ғиёсов);

Андижон районидаги «XIX партсъезд» колхози (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Юсупов, партия ташкилоти секретари Ўртоқ Каримов);

Денов районидаги Хрушчев номли колхоз (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Келдиев, партия ташкилоти секретари Ўртоқ Мелиев);

Узун районидаги Сталин номли колхоз (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Омонов, партия ташкилоти секретари Ўртоқ Раҳимов);

Шўрчи районидаги Жданов номли колхоз (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Дониёров, партия ташкилоти секретари Ўртоқ Усмонов);

Тўрткўл районидаги Горький номли колхоз (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Дурдиев, партия ташкилоти секретари Ўртоқ Аннаев);

Хўжайли районидаги Ленин номли колхоз (раиси Ўртоқ Қилирбоев, партия ташкилоти секретари Ўртоқ Каримбоев);

Тўрткўл районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Машарипов, партия ташкилоти секретари Ўртоқ Матниёзов);

Боғот районидаги Нариманов номли колхоз (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Досов, партия ташкилоти секретари Ўртоқ Хусайнов);

Янгиариқ районидаги Киров номли колхоз (раиси Ўртоқ Маткаримов, партия ташкилоти секретари Ўртоқ Тоиров);

Қўшкўпир районидаги Охунбобоев номли колхоз (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Назаров, партия ташкилоти секретари Ўртоқ Омонов);

Қўшкўпир районидаги Ворошилов номли колхоз (раиси Ўртоқ Полвонов, партия ташкилоти секретари Ўртоқ Болтаев);

Охунбобоев районидаги Ленин номли колхоз (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Тўхтаназаров, партия ташкилоти секретари Ўртоқ Темиров).

Денов районидаги «Ҳазорбоғ» совхози (директори Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Зибров, партия ташкилоти секретари Ўртоқ Юнусов, ишчилар комитети раиси Ўртоқ Примов).

Ўзбек халқи ва Ўзбекистон партия ташкилоти ажойиб мўл ҳосил усталари билан ҳақли равишда фахрланади ва чинакам пахта мўл ҳосили байроқдорлари бўлган шу районлардаги ҳамма колхозчиларни, совхоз ва МТС ишчиларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини ва барча меҳнаткашларни чин кўнгилдан қутлайдилар. **(Қарсаклар).**

Давлатга 406 минг тонна пахта топширган Тошкент области, 349 минг тонна пахта топширган Фарғона области, 255 минг тонна пахта топширган Самарқанд области, 221 минг тонна пахта топширган Бухоро области қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари пахта далаларида зўр ғайрат билан меҳнат қилдилар. Лекин рўй берган табиий офатлар бу областларда ишни анча мураккаблаштирди ва ҳосилга катта зарар етказди.

Бу йилги мана шундай мураккаб ва қийин шароитларга қарамай, пахтачиликда қандай қилиб шунчалик катта муваффақиятлар қўлга киритилди?

Бунинг сабаби шуки, **биринчидан,** давлат республикамизни техника, минерал ўғитлар ва бошқа моддий техника ресурслари билан тобора кўпроқ таъминлаб турди.

1957 йилда колхозлар ва совхозлар бир ярим миллион тоннадан кўпроқ минерал ўғит, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун 300 миллион сўмдан кўпроқ кредит олдилар.

Партия ва Ҳукумат янги совхозлар тузиш тўғрисидаги таклифимизни кувватлаб бизга катта ёрдам кўрсатди. 1957 йилда республикада 63 та МТС негизида ва 424 колхозни қайта тузиш асосида 82 та янги совхоз тузилди. Янги совхозларнинг 3 миллион 200 гектари бор, шундан 750 минг гектари экинзор ерлар бўлиб, бу ерларнинг 200 минг гектарига пахта экилади. Янги совхозларда 160 минг бош қора мол, шу жумладан 50 минг сигир, 2 миллионга яқин қўй ва эчки бор.

Совхозларда 5 минг трактор ва 2 минг автомобиль, кўпгина хилма-хил қишлоқ хўжалик машиналари бор.

Янги ташкил этилган кўп совхозларнинг коллективлари ўзларининг ишлаб чиқариш фаолиятларини йўлга қўйиб олдилар, пахта, ғўза, сут, жун ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш планларини муваффақиятли бажардилар.

Республикамиз пахта тайёрлаш давлат планини бажарган кунда, ўзбек халқи ҳаётидаги мана шу шодиёна кунда қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари, коммунистлар ва комсомоллар, республиканинг барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетига ва Совет Ҳукуматига республика экономикасини ва маданиятини юксалтиришга оталарча гамхўрлик қилиб, Ўзбекистонга кун сайин жуда катта ёрдам бериб келаётганликлари учун минг-минг раҳмат айтадилар. **(Қарсаклар).**

Иккинчидан, колхозчиларимиз, МТС ва совхозлардаги ишчиларимиз фидокорона ишлаб, ўзларининг зўр ғайратлари билан пахталан мўл ҳосил етиштирганликлари ва териб олганликлари туфайлигина қишлоқ хўжалигида ва унинг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликда шунчалик муваффақиятларга эришилди. Моддий бойликларни яратувчи кишилар бўлган шу кадрларга чин кўнгиллан ташаккур айтамиз ва уларга офарин деймиз. **(Қарсаклар).**

Учинчидан, биз пахтачиликда шунинг учун ҳам муваффақиятларга эришдикки, бизнинг олимларимиз, агрономларимиз, механизаторларимиз, пахтачилик илғорлари қолоқликни ва консерватизмни енгиб, пахтани парвариш қилишда прогрессив усулларни дадиллик ва қатъият билан кенг суратда ўтказиш йўлига тушиб олдилар.

Биз агротехниканинг илғор усулларини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига жорий қилишга ўзининг қимматли ҳиссасини қўшган ажойиб олимларимиз, қишлоқ хўжалик мутахассислари, шоли мўл ҳосил усталари ва механизаторлар билан фахрланамиз.

Уларга халқимизнинг бахт-саодати йўлида, совет пахтачилигини ривожлантиришда янги, тағин ҳам катта муваффақиятлар тилашга ижозат берингиз. **(Қарсаклар).**

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги муваффақиятлар ишчилар синфи билан колхозчи деҳконларнинг алоқаси мустаҳкамланиб борганлигининг натижасидир.

Москва ва Ленинград, Харьков ва Сталинград, Владимир ва Челябинск ҳамда улуғ Ватанимиздаги бошқа кўп шаҳарларнинг ишчилари республика қишлоқ хўжалигини техника, минерал ўғитлар ва бошқа зарур материаллар билан таъминлашни йилдан-йилга кўпайтирмоқдалар.

Москва, Ленинград ва Россия Федерацияси, Украина ва Белоруссиядаги бошқа шаҳарларнинг меҳнаткашларига Ўзбек халқига кун сайин қардошлик ёрдами бериб турганликлари учун бутун Ўзбек халқи номидан чуқур ташаккур билдиришга ижозат берингиз. **(Қарсаклар).**

Бу йил республика корхоналарининг ишчилари ва хизматчилари, олий ўқув юртларининг студентлари, мактаб ўқувчилари пахта етиштиришда ва айниқса унинг ҳосилини териб олишда актив қатнашдилар. Шаҳарлар ва район марказларининг юз минглаб меҳнаткашлари пахтани териб олишда колхозларга ва совхозларга кўмаклашдилар.

Республика пахта тайёрлаш планини бажарганлиги муносабати билан байрам қилиб турган кунимизда шаҳарларимизнинг ҳормас-толмас меҳнаткашларига, шоли совет ўқувчи ёшларига, азиз ўқувчиларимизга, айниқса студентларимизга республика пахтакорлари: «ёрдамингиз учун катта раҳмат» дейдилар. **(Қарсаклар).**

Шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, пахтакор республикалар ўртасидаги социалистик мусобақа ва ўзаро текшириш бу йил ҳар қачонгидан кўра анча юксак даражада ўтди. Ўзбекистон эришган муваффақиятларда қардош халқларимизнинг ҳам жуда катта ҳиссаси бор.

Ўзбекистон пахтакорлари ўз қардошлари бўлган Тожикистон ва Туркманистоннинг, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг, Озарбайжон ва Арманистоннинг шоли пахтакорларидан миннатдордирлар, уларга чин кўнгилдан катта муваффақиятлар тилайдилар. **(Қарсаклар).**

Ниҳоят шу нарсани алоҳида айтиб ўтмоқчиманки, республика, область, шаҳар ва район партия, совет активларимиз уюшқоқлик билан ишладилар.

Бизнинг партия, совет активларимиз, Марказий Комитет ва Ҳукумат аъзолари, министрларимиз ва уларнинг ўринбосарлари, область, шаҳар ва район партия комитетларининг секретарлари ва аъзолари, меҳнаткашлар депутатлари область ва район Советлари ижроия комитетларининг раислари, корхоналар, муассасалар, МТСлар, колхозлар ва совхозлардаги раҳбарларнинг катта кўпчилиги зўр ғайрат билан ишладилар, юксак даражада онглилик кўрсатдилар ва пахтани парвариш қилиш ва ҳосилни териб олиш ишларини ташкил этишда колхозларга ва совхозларга ўз вақтида зарур ёрдам кўрсатиб турдилар.

Марказий Комитет ва республика ҳукумати республика, область, шаҳар ва район активларига пахтачиликни янада юксалтиришда қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига кўрсатган катта ёрдамлари учун чин кўнгилдан ташаккур айтадилар. **(Қарсаклар).**

5. Халқ моддий фаровонлиги муттасил ошиб бормоқда

Ўртоқлар!

Халқ хўжалигини ривожлантиришда кейинги йилларда эришилган муваффақиятлар меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини янада яхшилашга ёрдам берди. Буни Ўзбекистон ССР Давлат бюджетининг ўсиши яққол кўрсатиб турибди.

ССР Иттифоқи Олий Советининг яқинда бўлиб ўтган сессияси республикамизнинг келгуси йил бюджетини 8 миллиард 590 миллион сўм қилиб, ёки 1954 йилдагига нисбатан 59 процент ошириб белгилади. Маълумки, Ўзбекистон бюджетининг бутун ҳажми 1954 йилда 3 миллиард 370 миллион сўм эди. Бинобарин, кейинги икки йил ичида Ўзбекистон бюджети қарийб икки баравардан зиёдроқ ошди.

1958 йилда фақат социал-маданий тадбирларнинг ўзигагина 3 миллиард 700 миллион сўм, ёки 1954 йилги бюджетда бутун республика халқ хўжалигига ажратилган маблағга баравар келадиган миқдорда белгилади.

Савдо-сотиқнинг ривожланиб бораётганлиги ва товар оборотининг ўсаётганлиги аҳолининг моддий фаровонлиги ўсганлигини кўрсатувчи далилларнинг биридир.

Республика товар оборот йиллик планини 22 декабрда муддатидан олдин бажарди. Аҳолига ўтган йилдагига қараганда қарийб 3 миллиард сўмликдан кўпроқ мол сотилди, ёки товар оборот 20 процент ўсди.

Аҳолига маданий ва рўзғор моллари сотиш айниқса тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Бу йил 15 минг 200 дона холодильник, 34 минг дона телевизор, 8200 дона кир ювадиган машина сотилди.

Товар оборотининг 1957 йилдаги ҳажми ҳақиқатда 1940 йилдагидан 2,5 баравар ошиб кетди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат молларининг жон бошига истеъмол қилинишига келганда Ўзбекистон саноати ишчиларининг бюджетларига нисбатан бу маҳсулот ва моллларнинг истеъмол қилиниши 1957 йилда 1940 йилдагига қараганда анча кўпайди. Жумладан, жон бошига гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш икки баравардан зиёдроқ, сут истеъмол қилиш 1,4 баравар, қанд-шакар истеъмол қилиш 3,5 баравар, ёғларнинг ҳамма турларини истеъмол қилиш 2,7 баравар, газлама истеъмол қилиш 2,2 баравар, шу жумладан, ипаклик газламалар истеъмол қилиш 30 баравар, пойафзал истеъмол қилиш икки баравар кўпайди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат молларининг колхозчилар томонидан истеъмол қилиниши текшириб чиқилганида шу текширилган колхозчиларнинг оилаларида жон бошига гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш 1,2 баравар, қанд-шакар истеъмол қилиш 3 баравар, ёғларнинг ҳамма турларини истеъмол қилиш 2,2 баравар, газлама истеъмол қилиш 1,7 баравар, пойафзал истеъмол қилиш 1,7 баравар кўпайганлиги маълум бўлди.

Республикада товар ҳажми кўпайганлиги сабабли чакана савдо шоҳобчалари ҳамда умумий овқатланиш корхоналарининг сони ҳам кўпайди.

Товар оборотининг анча ўсганлиги аввало республикамиз аҳолисининг харид қобилияти тўхтовсиз ўсиб бораётганлигидан далолат беради.

Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи фонди 1956 йилда 10 миллиард 690 миллион сўм бўлган бўлса, 1957 йилда 12 миллиард сўмга етди, яъни 12 процентдан зиёдроқ кўпайди.

Колхозлар ва колхозчиларнинг даромаллари ҳам кўпайди. Колхозларнинг даромадлари 1940 йилги 2 миллиард 132 миллион сўм, 1955 йилда эса 7 миллиард 514 миллион сўм бўлган бўлса, 1956 йилда 10 миллиард 443 миллион сўмга етди, яъни 1955 йилдагидан 39 процент ва 1940 йилдагидан қарийб беш баравар кўпайди. Бу йил ҳам колхозлар ва совхозларнинг даромадлари ўтган йилдагидан кам бўлмайди.

Меҳнаткашлар соғлигини сақлаш совет давлатининг фаолиятида катта ўрин тутади.

Ўзбекистон ССРнинг соғлиқни сақлаш бюджети 1924 йилда, республикамиз ташкил топган йилда 4 миллион 900 минг сўм бўлган бўлса, 1957 йилда 1 миллиард 40 миллион сўмга етди. Шу давр ичида касалхоналардаги ўринлар кўпайиб, 2.200 тадан 44 минг 500 тага етди, 1940 йилдагидан эса 2,2 баравар кўпайди.

Ўзбекистон ССРда 1924 йилда 333 врач ишлаган бўлса, ҳозир қарийб 9 минг врач ишламоқда.

Профилактика чоралари кенг миқёсда амалга оширилаётганлиги ҳамда аҳолининг иқтисодий, маданий даражаси яхшиланганлиги натижасида республикада бир қанча оммавий касалликлар қисқа муддат ичида тугатилди. Ўлим жуда камайди, тугилиш эса, йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Аҳолининг табиий ўсиши қарийб бир ярим баравар ошди.

Ўзбекистоннинг кўп сонли медицина ходимлари республикамиз олдида турган хўжалик ва сиёсий вазифаларни ҳал қилишда барча меҳнаткашлар билан бирга актив қатнашмоқдалар. Олийжаноб ишни бажараётганликлари учун барча соғлиқни сақлаш ходимларига раҳмат. **(Қарсаклар).**

6. Фан ва социалистик маданият соҳасида янги муваффақиятлар сари

Ўртоқлар! Республикада маданий қурилиш ҳам тез суръатлар билан ривожланмоқда.

Кейинги йилларда халқ маорифи соҳасида, малакали кадрлар тайёрлаш ишида сезиларлик муваффақиятлар қўлга киритилди.

1956 ва 1957 йилларда республика мактабларида 100 минг киши ўрта маълумот олиб чиқди. Шу вақт ичида олий ва ўрта махсус ўқув юртлари 50 мингдан кўпроқ малакали мутахассислар тайёрлаб берди. Икки йил ичида Тошкентда электротехника алоқа институти, физкультура институти ва Шарқ институти, Андижонда медицина институти сингари янги олий ўқув юртлари ташкил этилди. Ҳамма даражадаги мутахассисларни кўплаб ўқитиб тайёрлаш натижасида кадрларимизнинг олтин фонди анча тўлдирилди. Шу туфайли ҳозирги вақтда республикамизда юқори малакали кадрлар ва билимнинг ҳамма соҳаларида иш олиб бораётган илмий ходимлардан иборат жуда кўп зиёлилар бор.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ҳар беш кишининг биттаси ўқимоқда. Ҳар минг кишига тўғри келадиган студентлар сони жиҳатидан республикамиз АҚШ ва Англиядан ўзиб кетди, Франция, Германия Федератив Республикаси ва Италиядан эса икки баравардан зиёд ўзиб кетди. **(Қарсаклар).**

Кадрларни самарали тайёрлаш фанни ривожлантиришга ва бирқанча илмий-техника проблемаларини ҳал қилишга ёрдам берди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳамда яқинда ташкил этилган Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академияси республикада илм-фаннинг асосий марказлари бўлиб қолдилар ва улар ўзбек халқининг катта маданий бойлигидирлар.

Илмий кучлар ўсиб бораётганлиги туфайли кейинги икки йил ичида республикада бир қанча янги илмий-текшириш институтлари: Ядро физикаси институти, Сув проблемалари ва гидротехника институти, Ўсимлик ҳом ашёси ва пахта химияси институти, ўлка медицинаси институти, Суд экспертизаси институти, Кончилик институти ва ҳисоблаш маркази ташкил этилди. Халқ хўжалигида, биринчи навбатда, пахтачиликда ядро физикаси муваффақиятларини, жумладан радиоактив изотопларни қўлланиш соҳасида энди биз сезиларлик натижаларга эришдик.

Юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозирги вақтда республикадаги аспирантлар 830 кишига етди. Москва, Ленинград ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларидаги олий ўқув юртларида ҳозирги вақтда Ўзбекистондан юборилган 566 киши ўқимоқда.

Илғор совет фанининг ажралмас таркибий қисми бўлган Ўзбекистонда фан кейинги йилларда анча ривожланди. Олимларимизнинг химия, геология, математика, астрономия, геодезия, ҳозирги замон физикаси, тарих ва шарқшунослик фанлари соҳасида яратган ишлари кенг маълумдир.

Кейинги йилларда Тошкентда ўтказилган илмий сессиялар, конференциялар ва зиёлилар съезди Ўзбекистонда фан ва маданиятни янада ривожлантиришда катта роль ўйнади.

Зиёлиларнинг биринчи съезди уларнинг ижодий кучларини янада юксалтиришга ёрдам берди, олимлар, инженерлар, техниклар, ўқитувчилар, врачлар, адабиёт ва санъат арбобларини Коммунистик партия теварагида тағин ҳам мустаҳкам жипслаштирди; республика олдида турган вазифаларни бажариш соҳасида уларнинг фаслиятини анча активлаштирди.

Пахтачиликка бағишланган бирлашган илмий сессия пахтачилик фанини янада ривожлантириш йўларини белгилаб берди, ғўзани парвариш қилишга доир бир қанча амалий тавсияларни кўрсатиб ўтди.

Шарқшуносликка бағишланган Бутуниттифоқ биринчи илмий конференциясида шарқшунослик соҳасидаги илмий-тадқиқотлар якунланди ва шарқшунослик фанини яхшилаш йўллари белгилаб берилди. «Алпомиш» эпосига бағишланиб ўтказилган регионал илмий конференция, русча бўлмаган мактабларда рус тилини ўқитишни яхшилаш, ўзбек тилини ўқитишни яхшилаш масалаларига бағишланган конференция, матбуот, радио ва телевидение ходимларининг съезди, Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари тарихига бағишланган илмий сессия, Ўрта Осиё ва Қозоғистон физиологлари ва фармакологларининг биринчи илмий конференцияси, ўлка медицинаси масалаларига бағишланган бирлашган илмий сессия, Ўсимлик моддалари химиясига

Ўртоқ Н. А. МУҲИТДИНОВ докладининг охири

(БОШИ БИРИНЧИ, ИККИНЧИ ВА УЧИНЧИ БЕТЛАРДА).

Кейинги икки йил ичида республикамиз театрлари икки юзга яқин янги спектакль кўрсатдилар, бир қанча драма ва музика асарлари яратдилар. Буларни тамошабинларимиз ҳақли равишда тақдирладилар. Ҳамза номидаги Ўзбекистон давлат академик театрида саҳнага қўйилган «Йўлчи юлдуз», «Жазоир менинг ватаним», Горький номидаги рус драма театрида саҳнага қўйилган «Паранжи сирлари», «Тайфун», Мукимий номли театрда саҳнага қўйилган «Ватан ишқи» спектакллари, Навоий номидаги давлат опера ва балет театрида саҳнага қўйилган «Ойниса» балети, Андижон область театри саҳнага қўйган «Холисхон» ва «Оқ нилуфар», Бухоро театри саҳнага қўйган «Регистон устида қизил байроқ» спектакли ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон тасвирий санъатининг Улуг Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллигига бағишланган виставкаси республика рассомларининг ижоди анча ўсганлигини кўрсатди.

Ҳозирги вақтда адабиёт ва санъат арбобларимиз 1958 йилнинг иккинчи ярмида Москвада ўзбек санъати ва адабиёти декадасини муваффақиятли ўтказишга яхши тайёрланиш учун зўр ғайрат билан ишламоқдалар. Ёзувчилар декадага бағишланган янги адабий асарлардан шу кунгача 215 та асарни нашриётга топширдилар. Республика рассомлари 450 тадан кўпроқ янги суратқашлик, ҳайкалтарошлик ва графика асарларини яратдилар. Декадага бағишланган бир қанча спектакллар ҳозирги вақтда театрларимизда кўрсатилмоқда.

Адабиёт, санъат ходимлари ва бутун маданий фронт ходимлари совет кишиларининг маънавий талабларини қондирмоқ учун ҳали кўп иш қилишлари мутлақо зарур. Аҳолига маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш, Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг «Адабиёт ва санъатнинг халқ ҳаёти билан алоқасини мустаҳкамлайлик» деган мақоласида айтиб ўтилган вазифалар асосида ижодий ташкилотларнинг фаолиятини активлаштириш лозим.

Ўзбекистоннинг адабиёт, санъат ходимлари халқимизга муносиб янги ажойиб асарлар яратиб, кўп миллатли совет социалистик маданиятимизни янада ривожлантириш ишига ўз ҳиссаларини қўшишлари шак-шубҳасиздир.

Физкультура ва спортни ривожлантириш соҳасида ҳам маълум силжишлар борлиги кўриниб турибди. Ўзбекистон физкультурачилари кейинги йилларда спортнинг бир қанча турларида: гимнастика, енгил ва оғир атлетика, бокс соҳасида яхши кўрсаткичларга эришдилар. Ўзбекистонда ажойиб спорт мастерлари ўсиб етишди. Тошкентда 60 минг ўринлик марказий «Пахтакор» стадиони қурилганлиги Ўзбекистон физкультурачилари учун яхши совға бўлди.

Биз республикада физкультурани бундан буён ҳам ривожлантиришимиз, спортнинг умумхалқ тусига кириб, оммавий бўлиб қолишига эришмоғимиз зарур.

Ўртоқлар! Республикада саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият ва фаннинг тўхтовсиз ривожланиб бораётганлиги, меҳнаткашлар турмушининг маданий даражаси ошиб бораётганлиги социалистик миллатларнинг қардош оиласида тенг ҳуқуқли республикалардан бири бўлган суверен давлат сифатида Ўзбекистоннинг обрўйини кўтаради, чет эл мамлакатларини, айниқса Шарқ мамлакатларини ўзига тобора кўпроқ қизиқтиради.

Ўзбекистоннинг маданий алоқалари мустаҳкамланиб бораётганлиги буни кўрсатиб турибди. Кейинги икки йил ичида, келиб кетган жуда кўп чет эл туристларини ҳисобламаганда ҳам республикамизга жаҳоннинг 60 мамлакатидан 3100 дан кўпроқ кишидан иборат 300 га яқин делегация келиб кетди, шу жумладан, Осиё ва Европадаги бир қанча мамлакатларнинг йирик давлат ва жамоат арбоблари келиб кетди. Шу билан бирга Ўзбекистондан ҳам 1957 йилда жаҳоннинг турли мамлакатларига Совет Иттифоқи делегациялари составида 449 киши бориб келди. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг юзлаб гражданлари туристлар сифатида чет мамлакатларга бориб келдилар.

7. Раҳбарликнинг ленинча услубини ўрганайлик

Ўртоқлар! Республикамиз Марказий Комитет, область, шаҳар, район партия комитетлари, Ўзбекистоннинг бутун Компартияси томонидан кенг миқёсда олиб борилган ташкилий ишлар натижасида ана шу муваффақиятларга эриша олди.

Республика партия ташкилотлари ҳўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик даражасини анча оширдилар, халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида янада малакалироқ раҳбарлик қила бошладилар, ишлаб чиқаришга ва конкрет экономикага жиддий эътибор бермоқдалар.

КПСС XX съездидан кейин Ўзбекистон Компартияси ўз сафларини анча мустаҳкамлаб, партия аъзолари ва партия аъзолигига кандидатларининг сифат составини яхшиланди. 1955 йилда Ўзбекистон Компартияси сафларида 143 минг коммунист бор эди, ҳозир эса уларнинг сони 173 минг кишига етди. 1957 йилнинг бир ўзидагина партия сафига 12 минг киши ёки 1954 ва 1955 йилларни бирга қўшиб ҳисоблаганда ана шу йиллардагидан қариб икки баравар кўпроқ киши қабул қилинди. Бу йил 1955 йилдагига нисбатан ишчилар икки баравар ва колхозчилар бир ярим баравар кўпроқ қабул қилинди.

Республика партия ташкилотлари раҳбар кадрларни танлаш, жойжойига қўйиш ва тарбиялаш соҳасидаги ишларни анча яхши йўлга қўйдилар. Бунинг натижасида раҳбар кадрларнинг сифат составини йил сайин яхшиланмоқда. Масалан, 1954 йилда Марказий Комитет номенклатурасидаги ходимларнинг 62 процента олий ва тўлиқсиз олий маълумотли эди, 1957 йилда эса уларнинг сони 73 процентга етди.

Маҳаллий миллатлар орасидан чиққан ходимлар миқдори анча кўпайди, кекса, тажрибали кадрлар билан бир қаторда ўсиб келаётган ёш ходимларни танлаш ишн ҳам яхшиланди.

Ҳозирги кунда биз дадил шу нарсани айта оламизки, бизда ҳўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбияланган, республика олдида турган ҳўжалик ва сиёсий вазифаларни муваффақиятли суратда ҳал эта оладиган муносиб ва етук ходимлар бор.

Марказий комитет ва область партия комитетлари раҳбар кадрларга эътибор ва ғамхўрлик билан қарай бошладилар, тарбия ишларини кучайтирдилар. Шуни айтиш керакки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси кейинги икки йил мобайнида Марказий Комитетнинг номенклатурасидаги ходимлардан бирор кишини ҳам суд жавобгарлигига тортмади ва партия сафларидан ўчирмади. Бунинг аксича, Марказий Комитет бюроси 1957 йилда Ўзбекистоннинг элликдан ортиқ раҳбар ходимга нисбатан илгари кўрилган жазо чораларини олиб ташлади.

Бунинг натижасида кадрлар кўпроқ ташаббус кўрсатиб дадил ишлай бошладилар, кадрлар ўртасида кўнимсизлик кескин суратда камайди. Масалан, 1957 йилда номенклатурадаги ходимларни ўзгартириш 1955 йилдагига нисбатан икки баравардан зиёд камайди. Айрим раҳбар ходимлар иш манфаатларинигина кўзда тутиб вазифалари ўзгартирилди.

Партия ва давлат интизоми анча мустаҳкамланди, раҳбар кадрларимизнинг ўзларига топширилган иш учун шахсий жавобгарликни сезиш ҳисси ортди.

Илгари айрим раҳбар кадрлар ўртасида бўлган ғийбат, фисқи-фасод ва гуруҳбозлик эндиликда тугатилди ва кадрларимиз аҳил ва дўстлик билан, бир-бирларига самимий ишонч билан жиддий ишга киришдилар.

Республикадаги партия ташкилотларида партия ҳаётининг ленинча нормалари ва коллектив раҳбарлик принциплари тикланди.

Совет ва ҳўжалик органларининг фаолияти яхшиланди. Улар омма билан ўз алоқаларини анча мустаҳкамладилар, масалаларни оператив ва конкретроқ ҳал эта бошладилар, ҳўжалик қурилишига оператив ва конкрет раҳбарлик қилиб, корхоналарнинг ва маҳаллий Советларнинг ишларига актив таъсир кўрсата бошладилар.

Ўзбекистон комсомол ва касаба союз ташкилотлари партия органларининг раҳбарлиги остида республика олдида турган барча ҳўжалик-сиёсий вазифаларни ҳал этишда актив қатнашмоқдалар ва ёшларни ҳамда барча меҳнаткашларни мамлакат олдидаги ўз бурчларини бажариш руҳида тарбиялаямоқдалар.

Социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш ва шахсга сиғиниш ҳукм сурган даврда йўл қўйилган қонунчиликнинг бузилиш ҳолларини ва хатоларни тузатиш соҳасида кўп иш қилинди. Ўтган давр ичида асоссиз ҳукм қилинган раҳбар ходимларнинг кўпи 1955 йилдан тортиб 1957 йил ичида реабилитация қилинди. Булар орасида Акмал Икромов, Болтабоев, Азимов, Ортиқов, Тарасов, Манжара, Сегизбоев, Тожиев, Миршарапов каби раҳбар арбоблар, шунингдек ўзбек адабиётининг Абдулла Қодирий, Ўлўпан каби машҳур намояндалари ва бошқа кўп кишилар бор.

ССР Иттифоқи Олий Совети Президиумининг Фармонларига мувофиқ кейинги йилларда бутун мамлакатдаги каби республикамизда ҳам бир неча минг киши жазодан озод қилинди ва кўп кишиларнинг жазо муддати ярмига камайтирилди.

Бу йилги пахта териш кампанияси даврида бир неча киши нобудгарчиликка ва пахтанинг пайҳон қилинишига йўл қўйганлиги учун суд жавобгарлигига тортилган эди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми якинда бу масалани муҳокама қилиб, республика прокуратурасига уларнинг ишини қайтадан кўриб чиқишни ва уларни озод қилиб, судланганини олиб ташлашни топширди. (Қарсаклар).

Ўтган давр ичида қилинган ишларнинг якунлари ана шулардан иборат.

Ана шу тадбирлар натижасида республиканинг саноати, қишлоқ хўжалиги ўз тараққиётида олға қараб катта қадам қўйди. Маданий қурилиш соҳасида кўп иш қилинди, меҳнаткашларнинг моддий турмуш даражаси анча кўтарилди, аҳолининг сиёсий онги ва меҳнат ғайрати мисли кўрилмаган даражада ўсди, халқлар ўртасидаги дўстлик мустаҳкамланди. Ўзбек халқи Ўзбекистон Коммунистик партияси, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг ленинча Марказий Комитети теварагига янада маҳкам жипслашди. (Қарсаклар). Ҳозирги вақтда бутун мамлакатимиз каби Ўзбекистон ҳам тобора тез суръатлар билан юксалмоқда.

Халқ хўжалигининг барча соҳаларида эришилган ютуқлар тўғрисида гапириб, бу ютуқлар билан ҳақли равишда фахрланар эканмиз, биз ишда бўшашувчиликка йўл қўя олмаймиз; бу ютуқлар ҳечкимнинг бошини айлантириб қўймаслиги, мағрурлантириб юбормаслиги ва хотиржамликка солмаслиги лозим, чунки ҳали бизда бирқанча камчиликлар ва етишмовчиликлар бор.

Бизда ишлаб чиқариш планларини бажармаётган корхоналар ҳали оз эмас; корхоналарнинг, хусусан меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархини камайтириш ва сифатини яхшилаш соҳасидаги техникиқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш учун мавжуд имкониятларнинг ҳаммасидан ҳали тўлиқ фойдаланаётганимиз йўқ; янги техника ва илғор технология саноатнинг бир қанча тармоқларига суст жорий қилинмоқда.

Ишчиларнинг меҳнатини ва иш ҳақини нормаллаштириш масаласи билан жиддий шуғулланиш ва бу ишни тартибга солиш керак.

Баъзи саноат корхоналарининг ишларида маҳаллийчиликнинг айрим кўринишлари борлиги ярамас бир ҳолдир.

Саноат қурилишига, ишлаб чиқариш қувватларини оширишга, кооперативлаштиришга, ихтисослаштиришга ва Халқ хўжалиги кенгашларининг ишини яхшилашга эътиборнинг сусайтирилишига асло йўл қўйиш мумкин эмас.

Уй-жой қурилишининг сифатини яхшилашга ва шаҳарлар, районлардаги уй-жойларни ободлаштиришга, аҳолига коммунал-маиший хизматни яхшилашга жиддий эътибор бериш керак.

Спекулянтлар, чайқовчиларнинг, талон-тарож ва ўғирликнинг борлиги, магазинларда ва бозорларда айрим товарларнинг етишмаётганлиги, савдо-сотиқ соҳасида кўрсатилаётган хизмат маданий савиясининг пастлиги, хусусан умумий овқатланишнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги, айрим шахсларнинг жамоат тартиблари бузаётганликлари, безори элементларнинг борлиги, гражданларнинг, хусусан хотин-қизларнинг ҳуқуқларига қасд қилиш ва бошқа фактлар меҳнаткашларнинг моддий-маиший аҳволини янада яхшилаш, республикада социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш ва аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида тарбия ишларини янада кучайтириш зарур эканлигини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалигида, шубҳасиз, муваффақиятлар борлигига қарамай, бу йил баъзи область ва районлар пахта тайёрлаш давлат планини бажармаганликларини эшириб бўлмайди. Юзлаб колхоз ва ўнлаб совхозлар пахта ҳосилини камайтириб юбордилар. Бутун айбни об-ҳаво шароитининг ноқулай келганлигига ағдариш ярамайди. Барча район ва областларда чорвачилик бир хил даражада ривожланмоқда деб бўлмайди. Пахтачиликни чорвачилик билан қўшиб олиб бориш, қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантириш зарурлигига аввалдагидек ҳозирда ҳам етарли баҳо берилмаётир.

Техниканинг кучидан яхши фойдаланилмаётир, айрим хўжаликларда агротехниканинг, қишлоқ хўжалик артели Уставининг бузилишига йўл қўйилмоқда.

Янги ерларни ўзлаштириш ва алмашлаб экишни жорий қилиш соҳасидаги ишларни яхшилаш керак.

Завод ва фабрикаларда, хусусан колхоз ва совхозларда ишлаётган хотин-қизлар учун маданий-маиший шароит вужудга келтириш масалаларига жиддий эътибор бериш, болалар тўғрисида ғоят кўп ғамхўрлик қилиш зарур.

Олий ва ўрта маълумотли мутахассислар тайёрлаш ишини юксак даражага кўтармоқ учун олий ва ўрта ўқув юртларига, халқ маорифи мактабларига доир масалалар билан жиддий шуғулланиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш лозим.

Илмий-текшириш муассасаларига бундан буён ҳам моддий-техника ёрдами ва маънавий ёрдам кўрсатмоқ керак. Ижодий меҳнат ходимларига кўпроқ эътибор ва ғамхўрлик қилиш зарур.

8. Катта вазифалар, катта истиқболлар

Ўртоқлар! Биз эришилган муваффақиятлар билан ҳақли суратда фахрланганимиз ҳолда 1957 йилни кузатиб қолмоқдамиз.

Келгуси 1958 йилда республика олдида катта вазифалар турибди.

СССР Олий Советининг яқиндагина бўлиб ўтган тўққизинчи сессияси мамлакатнинг халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1958 йил давлат планини ва Давлат бюджетини тасдиқлади.

Ана шу ҳужжатларда бошқа иттифоқчи республикалар каби Ўзбекистон ССРнинг саноати, қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш, моддий фаровонлик ва маданиятни ошириш кўзда тутилади.

1958 йилда республикада 1957 йил планида кўзда тутилганидан 2 миллиард сўмликдан кўпроқ саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиши лозим. 1958 йилда энг муҳим соҳаларда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш, чунончи: электр қуввати ишлаб чиқариш 1957 йилдагига нисбатан 27 процент, азотли ўғитлар 25 процент, цемент 17 процент, кўмир 12 процент, нефть 11 процент, газ 56 процент, машинасозлик ва металл ишлаш 17 процент, йигма темир-бетон конструкциялар ва деталларни ишлаб чиқариш эса 2,7 баравар ортади.

Халқ истеъмоли буюмлари ҳам кўпроқ ишлаб чиқарилади. Чунончи: сут маҳсулотлари 23 процент, давлат ресурсларидан тайёрланадиган гўшт 7 процент, кондитер буюмлар 25 процент кўпроқ ишлаб чиқарилади ва ҳоказо.

Саноат ходимларининг вазифаси — 1958 йил давлат планининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун ҳозирнинг ўзидаёқ конкрет тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифатини кескин суратда яхшилаш ва хилларини кўпайтиришдан иборат.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам катта вазифалар турибди. Аввало биз пахтачиликни янада ривожлантиришни таъминлашимиз керак. 1958 йилги халқ хўжалиги планида пахта тайёрлашни 2 миллион 915 минг тоннагача кўпайтириш кўзда тутилади.

Келгуси йилда пахта етиштиришни кўпроқ механизациялаш ва бутун дала ишларини қисқароқ муддатларда ўтказиш учун ҳамма ерда ғўза тупларини квадрат-уялаб жойлаштириш ва икки томонлама ишлаш усулига кўчиш зарур. Жиддий ёрдам кўрсатиш йўли билан Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Бухоро областларида пахта ҳосилини кескин суратда оширишга эришмоқ керак.

Шу билан бирга, совхозларнинг ишларини яхшилашга алоҳида эътибор бериш зарур. Совхозлар 1958 йилда давлатга 1957 йил планида кўрсатилганидан қарийб уч баравар кўпроқ пахта, қарийб 5 баравар кўпроқ дон, 4 баравар кўпроқ гўшт, 2,5 баравар кўпроқ сут ва жун топширадилар.

Чорвачилик янада тез суръатлар билан ривожлантирилиши лозим. 1958 йилда гўшт етиштиришни ўтган йилдагига қараганда 5 минг тонна, сут етиштиришни 25 минг тонна, жун тайёрлашни 1,5 минг тонна кўпайтириш кўзда тутилади.

Шаҳар аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан янада яхшироқ таъминлаш мақсадида сабзавот, картошка, мева ва узум етиштиришни кўпайтиришга жиддий эътибор бериш зарур.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги энг муҳим вазифа — йирик массивларни ўзлаштириш йўли билан ҳам, суғориш шохобчалари яқинидаги фойдаланилмаётган ерларга экин экиш йўли билан ҳам суғориш ишларини бутун чоралар билан кучайтиришдан иборат. 1958 йилда сув хўжалиги қурилиши ҳажми 1957 йилдагига нисбатан икки баравар ортади. Суғориладиган ерларни 51 минг гектар кўпайтириш, шу жумладан Мирзачўлда 34 минг гектар кўпайтириш кўзда тутилади.

Каналлар ва сув омборлари қуриш билан бирга, ернинг мелиорация ҳолатини яхшилашга, сувдан фойдаланишни яхшилашга, шунингдек суғориш учун сизот сувларидан кенг фойдаланишга жиддий эътибор беришимиз зарур.

1958 йилда давлат йўли билан чиқариладиган капитал маблағ 1957 йилдагига нисбатан қарийб 20 процент кўпаяди. Капитал маблағнинг умумий ҳажмида оғир индустрия тармоқларини янада зўр бериб ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади.

Қурилиш ташкилотларининг, даставвал Қурилиш министрлиги, «Главголодностепстрой» ва Сув хўжалиги министрлиги ишларини доим яхшилаш зарур, токи ишга туширилиадиган барча объектларни фойдаланиш учун топшириш планининг сўзсиз бажарилиши таъминлансин.

1958 йил планида маданий қурилиш ва соғлиқни сақлаш соҳасида кенг программани амалга ошириш кўзда тутилади. Мактаб, касалхона, кинолар сони ортади, олий ва ўрта маълумотли мутахассислар кўпроқ тайёрланади. Фан ва маданият янада юксалади.

Январь ойида Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессиясини чақириш ва республиканинг 1958 йилги халқ хўжалик плани ва бюджетини ана шу сессия муҳокамасига қўйиш айни муддао бўлур эди.

* * *

Ўртоқлар! Партиямиз XX съезди томонидан белгиланган ва 1957 йил 6 ноябрда Ўртоқ Хрушчевнинг СССР Олий Совети юбилей сессиясидаги докладида баён қилинган халқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг перспективалари бутун мамлакатимиз учун, шу жумладан Ўзбекистон учун ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир.

Республикада пахтачиликни янада тез ривожлантириш манфаатлари Ўзбекистон саноатининг энг муҳим тармоқларини, хусусан энергетика, машинасозлик, химия ва бошқа тармоқларни кучли суратда ривожлантиришни қаттиқ талаб этади.

Шу муносабат билан республикада жаъми салкам 1 миллион 500 минг киловатт қувватга эга бўлган янги тепловой ва гидроэлектростанциялар қуриш мўлжалланади.

Электр қуввати ўтказиладиган линияларни қуриш ва Ўзбекистонни ҳамда Ўрта Осиёдаги қардош республикаларнинг Ўзбекистонга яқин районларини ўз ичига оладиган ягона энергетика системасини вужудга келтириш планлаштирилмоқдаки, бу чора халқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эгадир.

Бизнинг геологларимиз сўнгги вақтларда республикада жуда кўп минерал ҳомашё, рангли металл рудалари ва бошқа фойдали қазилма запасларини топдилар.

Олтинтопган қўрғошин-рух комбинати, Олмалиқдаги мисмолибден, Ўрта Чирчиқдаги плавик-шпат комбинатлари қурилиши яқин йиллар ичида тугалланади.

Республика плавик-шпат концентратини ишлаб чиқариш жиҳатидан Иттифоқда биринчи ўринни олади.

Ўзбекистон рангли металлургия саноати маҳсулоти 1965 йилда тахминан 10 баравар ортади. 1965 йил га келганда Охангарон кўмир конининг бир ўзидагина чиқариладиган кўмир 1958 йилдаги 3,6 миллион тонна ўрнига 10 миллион тоннага етади. Шаргун конида 1958 йилдан бошлаб юқори сифатли тош кўмир чиқарилади.

Республикада нефть чиқариш 1965 йилга келганда икки баравар ортади ва салкам 2,5 миллион тоннани ташкил этади.

Яқин йиллар ичида республикада нефтни қайта ишлаш икки баравардан зиёд кўпаяди.

Биз Жарқоқ — Бухоро — Самарқанд — Тошкент газопроводи қурилиши тўғрисида ўтган йили таклиф киритганимизда газнинг перспектив запаслари тахминан бир қанча миллиард кубометр миқдорида белгиланган эди. Кейинги вақтларда ўтказилган геология қидириш ишлари натижасида Бухоро-Хива депрессиясидаги газ запаслари мўлжалдагидан ўн баравардан кўп эканлиги аниқланди. Бу эса мазкур районни мамлакатнинг газга энг бой районларидан бирига айлантиради.

Бунинг натижасида яқин йиллар ичида шаҳарлар, район марказларини, колхоз, МТС, совхозларни газ билан таъминлаш, корхоналарни газ билан ишлашга кўчириш имкониятигина туғилиб қолмай, балки республикада минерал ўғитларни, сунъий толани, ацетат шойини, пластик массаларни, синтетик каучукни ва химия саноатининг кўпгина турли-туман қимматли маҳсулотларини ишлаб чиқаришни уюштириш учун ҳам имконият яратилади.

Шундай қилиб, республиканинг газ саноати халқ хўжалигининг йирик тармоғига айланади.

Машинасозлар қишлоқ хўжалигининг янги техникага бўлган эҳтиёжларини тезликда таъминлашлари лозим. Ирригация қурилиши, ер текислаш учун керакли машиналар, энг мукаммал пахта териш машиналарини, ғўзани узунасига ва кўндалангига ишлайдиган машиналарни ишлаб чиқариш ва бунинг натижасида пахта етиштириш, пахтани териб олиш, ташиш, қуритиш ва тозалаш ишларининг ҳаммасини кам меҳнат сарфлаган ҳолда машиналар ёрдами билан бажаришни таъминлаш яқин вақтнинг энг зарур вазифасидир.

Бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришдаги қолоқликни тез вақт ичида тугатиш, цемент, оҳак, девор қуриш ва томнинг устини ёпиш учун керакли материалларни, қурилиш деталларини, блокларни ва қурилишга керакли бошқа буюмларни ишлаб чиқаришни лоақал икки баравар, уч баравар, кўпайтиришга эришиш лозим. Капитал қурилишнинг эҳтиёжлари қурилиш материалларининг ҳамма турлари билан тўла таъминланиши керак.

Енгил ва озиқ-овқат саноати соҳасида ҳам олдимизда катта вазифалар турибди. Тўқимачилик, пиллачилик, пойафзал, кўн-тери саноатини ва енгил саноатнинг бошқа тармоқларини анча кенгайтириш керак. 1959 йилнинг бошида резина-техника буюмлари заводининг биринчи навбат қурилиши тамомланиши ва ишга туширилиши лозим.

Пахтачилик ва чорвачиликни ривожлантириш юзасидан белгиланган суръатлар яқин йиллар ичида мой ишлаб чиқариш саноатини, гўшт ва сут-мой саноатини тез юксалтириш имконини беради.

Мумкин қадар қисқа вақт ичида шунга эришмоқ керакки, гўшт ва гўшт-сут маҳсулотлари, сариғ ёғ, қаймоқ ва бошқа сут маҳсулотлари ҳамма ерда доим сотилиб турсин.

* * *

Ўртоқлар! Умумиттифоқ миқёсидаги меҳнат тақсимотида Ўзбекистон ССР пахта етиштириш соҳасида асосий ўринни эгаллайди. Шу сабабдан республика меҳнаткашларининг асосий вазифаси яқин 10-12 йил ичида пахта етиштиришни камида икки баравар кўпайтиришдан иборат, токи Совет Иттифоқи аҳоли жон бошига пахта етиштириш ва ип-газлама тайёрлаш соҳасида дунёда биринчи ўринни эгалласин.

Ана шу программ вазифани муваффақиятли суратда ҳал этиш учун еттинчи беш йилликнинг охирига, 1965 йилга келганда Ўзбекистонда етиштириладиган пахтани камида тўрт миллион тоннага етказишимиз ва бунинг учун пахта майдонларини кенгайтиришимиз ва энг муҳими республикада ҳар гектар ердан олинадиган пахтани 26-27 центнерга етказишимиз лозим.

Биз 1958 йилдан бошлаб ҳамма ерда ғўза тупларини квадрат-уялаб жойлаштириш ва ғўзани узунасига ҳамда кўндалангига ишлаш усулига кўчишимиз керак.

Илғор колхоз, совхозлар ва илмий-текшириш ташкилотларининг катта тажрибаси икки-уч йил ичида кетмон ёрдами билан эмас, балки машиналар ёрдами билан экинларни парвариш қилиш ва бу билан юз мингларча колхозчилар ҳамда совхоз ишчиларини, биринчи галда хотин-қизларни оғир меҳнатдан халос қилиш, ғўза парваришини агротехника жиҳатидан энг яхши муддатларда сифатли қилиб ўтказиш ва кишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини кескин ошириш вазифасини муваффақиятли суратда ҳал этиш пайти келганлигини кўрсатади.

Ўзбекистоннинг колхоз ва совхозлари чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни, чунончи гўшт етиштиришни 1960 йилга келганда 226 минг тоннага, сут етиштиришни 428 минг тоннага ва жун тайёрлашни 23 минг тоннага етказиш ва 1956 йилдагига нисбатан гўшт ҳамда сут етиштиришни икки баравардан зиёд ва жун тайёрлашни 1,8 баравар кўпайтириш мажбуриятини олдилар.

Пиллачилик, шоликорлик, сабзавот, картошка, луб экинлари, мева, тамаки ва узум етиштириш ҳам анча ривожлантирилади.

Февраль ойининг бошида Москвада Кремлда пахтакорларнинг биринчи Бутуниттифоқ кенгаши чақирилади. Бу кенгашда ҳар бир республиканинг пахтакорлари қилинган иш якунларини тўплаб, пахтачиликни, чорвачиликни ва ҳўжаликнинг бошқа тармоқларини янада ривожлантириш юзасидан социалистик мажбуриятларини олишлари керак.

1958 йилда Ўзбекистонда пахтачиликни, чорвачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантириш юзасидан оладиган социалистик мажбуриятларимизни шу тантанали йиғилишимизда расмийлаштирсак тўғри иш қилган бўлур эдик, токи январь ойида колхоз, совхоз, МТСларда, район ва областларда бу мажбуриятларни муҳокама қилиш ва конкрет тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш ва бу мажбуриятларни пахтакорларнинг Кремлда ўтказиладиган биринчи Бутуниттифоқ кенгашининг муҳокамасига қўйиш таъминлансин.

Биз ҳозирги кунда ўз олдимизга шундай вазифани қўйиб, учи эмас-лий суратда бажаришни таъминлашимиз керак. 1958 йил ҳосили учун республикада қишки тадбирларнинг ҳаммаси пахтакорларнинг Бутуниттифоқ кенгаши бошланишига қадар тугаллансин, камида икки миллион гектар майдон юқори сифатли шудгор қилинсин, ирригация, суғориш шаҳобчалари тозалансин, 500 минг гектар ернинг шўри ювилсин, 600-700 минг гектар ер запас суғорилсин, тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари ҳамма турларининг ремонти тамомлансин, шудгор қилинган ерларга 5-6 миллион тонна ғўғ солинсин, чорва молларнинг қишлови муваффақиятли ўтказилсин, 1958 йил учун ишлаб чиқариш планлари тузилсин, колхозларда ҳисобот сайлов йиғилишлари ўтказилсин, механизатор кадрлар, звено ва бригада бошлиқлари, квадрат-уялаб экадиган сеялкаларда ишловчи ходимлар танлансин ва ўқитилсин. Бу ишларни шундай бажариш керакки, Ўзбекистон вакиллари Кремль минбарида туриб республика колхоз ва совхозларининг 1958 йилги кўклам экиш кампаниясини ўтказишга тайёр эканликларини маълум қила олсинлар.

* * *

Ўртоқлар! Маданий қурилиш соҳасида, фан, адабиёт, санъат ва халқ маорифини янада ривожлантириш соҳасида республика олдида катта вазифалар турибди.

Илмий-текшириш муассасаларининг фаолияти ва кўп сонли илмий ходимлар коллективининг ижодий ишлари мамлакат олдида, жумладан Ўзбекистон республикаси олдида турган асосий вазифаларни ҳал этишга бўйсундирилиши лозим.

Адабиёт ва санъат ходимларимиз 1958 йилда Москвада ўтказиладиган декадада бутун мамлакатимиз олдида жиддий имтиҳондан ўтадилар.

Декадага яхши тайёргарлик кўриш ва ўзларининг ижодий маҳоратлари ўсганлигини яна бир марта намойиш қилиб кўрсатиш—ёзувчилар, композиторлар, рассомлар, артистларнинг, ўзбек адабиёти ва санъати барча арбобларининг шарафли ишидир.

Келгуси йил Тошкентда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг иккинчи конференцияси ўтказилади. Бу конференцияга дунёдаги 20 дан ортиқ мамлакат ёзувчилари келадилар. Бу чора Совет Иттифоқининг чет эл Шарқидаги мамлакатлар билан маданий алоқаларини янада мустаҳкамлашда шубҳасиз катта роль ўйнайди. Бу конференцияга жиддий тайёргарлик кўриш керак. Бизнинг ёзувчиларимиз совет халқларининг ва Осиё мамлакатлари халқларининг ҳаёти тўғрисида бир қанча яхши асарлар яратишлари, китобхонларимизни Осиё мамлакатларидаги прогрессив ёзувчиларнинг энг яхши асарлари билан кенг таништиришлари керак.

Туркистоннинг Россияга қўшилишининг прогрессив аҳамиятига бағишлаб, 1958 йилнинг иккинчи ярмида республикаларарО илмий конференция ўтказиш мўлжалланади.

Ўртоқлар! 1958 йил республика ҳаётининг барча соҳаларида катта ва ажойиб тадбирлар амалга ошириладиган йил бўлажагини кўриб турибмиз. Ҳеч шубҳа йўқки, партия тошкилотлари, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг раҳбарлиги остида ўз олдиларида турган ҳамма вазифаларни муваффақиятли суратда бажарадилар. (Қарсаклар).

Ўртоқлар! социалистик Ўзбекистон ана шу ютуқ ва муваффақиятларга даставвал партиямиз ленинча миллий сиёсатининг оғишмай амалга оширилиши натижасида, КПСС Марказий Комитети барча республикалардаги шу жумладан Ўзбекистондаги партия, совет ва ҳўжалик кадрларини етиштириш ва жипслаштириш соҳасида, уларни умумдавлат манфаатларини англаш руҳида, марксизм-ленинизмнинг улуғ ғояларига, пролетар интернационализми принципларига, мамлакатимизда коммунизм қуриш ишига чексиз садоқат руҳида тарбиялаш соҳасида жуда катта иш қилиб келаётганлиги натижасида эришди. (Қарсаклар).

КПСС Марказий Комитети ходимларнинг ҳамжиҳат бўлиб жипслашган коллективини вужудга келтиришда Ўзбекистон партия ташкилотига ёрдам берди. Ана шу ходимларнинг бутун фикр-зикри бир нарсага, яъни ўз халқига, ўз Ватанига, Ленин партиясининг улуғ ишига хизмат қилишга қаратилган. (Қарсаклар).

Бизнинг энг биринчи вазифамиз—бундан буён ҳам кадрларни тўғри тарбиялашдан, уларни партиянинг бош йўлидан озгина бўлса ҳам четга чиқиб кетишларига қарши, маҳаллийчилик ва миллий чекланганлик, шовинизм ва миллатчиликнинг озгина бўлса ҳам кўринишларига қарши принципиал кураш олиб бориш руҳида тарбиялашдан, партиямизнинг ленинча доно миллий сиёсатини ижчиллик билан оғишмай амалга оширишдан иборат. (Қарсаклар).

Вазифа—кадрларимизни, барча меҳнаткашларни шонли Коммунистик партия теварагига янада жипслаштиришдан, уларни улуғ Ленининг ғолиб байроғига садоқат руҳида тарбиялашдан иборат. (Қарсаклар).

Биз мамлакатимиз халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва қардошларча ҳамкорлик туфайли бу муваффақиятларга эришдик.

Бизнинг муқаддас бурчимиз совет социалистик тузуми қудратининг асосий манбаи бўлган дўстликни—Ўзбек халқининг Совет Иттифоқининг барча халқлари билан дўстлигини бундан буён ҳам кўз қорачўғидай сақлашдан иборат.

Республикамиз ана шу жуда катта муваффақиятларга шунинг учун ҳам эриша олдики, ажойиб талантли халқимиз, меҳнатсевар колхозчилар, МТС ва совхоз ходимлари, саноат корхоналари ва қурилишларнинг ишчилари, интеллигенциямиз, хуллас бутун халқимиз партия XX съезднинг тарихий қарорларини муваффақиятли амалга ошириш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Ишда бундан буён ҳам муваффақият қозонишни таъминлаш учун халқ хўжалиги ва маданий қурилишга раҳбарликни янада юксак даражага кўтариш, кенг меҳнаткашлар оммасининг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратига етакчилик қилиш зарур. (Қарсаклар).

Ўртоқлар! Биз янги, 1958 йил арафасида турибмиз. Бут